## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

**«Нотариат тўғрисида»**ги Қонунга *(1996 йил 26 декабрдаги 343-I-сон)* ва **«Адвокатура тўғрисида»**ги Қонунга *(1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сон)* киритилган қўшимчаларга мувофиқ, нотариуслар ва адвокатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар)ни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этишлари шарт.

**«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги *(2002 йил 5 апрелдаги 358–II-сон)*, **«Банк сири тўғрисида»**ги *(2003 йил 30 августдаги 530–II-сон)*, **«Электрон тўловлар тўғрисида»**ги *(2005 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–13-сон)* ва **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги *(2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон)* қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**Қонун 2009 йил 23 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### РЕСПУБЛИКА КАФОЛАТЛАЙДИ

**2009 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-224-сон Қонун** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан 1996 йил 25 апрелдаги «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги 220-I-сон Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга мувофиқ эркин иқтисодий зонани ташкил этиш, фаолиятини тугатиш, шунингдек унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан *(илгари – Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис қарори билан)* амалга оширилади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Вазирлар Маҳкамаси *(илгари – Олий Мажлис)* томонидан белгиланади. Ўзбекистон эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди. Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига асоссиз аралашуви натижасида уларга етказилган зарарнинг ўрни, шунингдек бой берилган фойда ҳамда етказилган маънавий зиён суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши керак.

Шунингдек бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

**Қонун 2009 йил 24 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### СТАДИОНДА ТАМАКИ ИСТЕЪМОЛИ ТАҚИҚЛАНАДИ

**Маданият ва спорт ишлари вазирининг буйруғи** ***(АВ томонидан 2009 йил 19 сентябрда 1550-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқармасининг ваколатли органи спорт иншоотларини паспортлаштириш ва сертификатлаштириш функциясини спорт иншоотларининг техник параметрларини таҳлил қиладиган, спорт иншоотлари ҳужжатларини кўриб чиқиш ва уларнинг тоифасини тасдиқлаш учун уларни сертификатлаштириш бўйича комиссияга тақдим этадиган, сертификат ва спорт иншоотларидан фойдаланишга доир паспортни белгиланган тартибда берадиган ўзининг тегишли ташкилотига юклайди. Сертификат ва паспортни расмийлаштирганлик ва берганлик учун белгиланган ставкалар бўйича ҳақ ундирилади. Спорт иншоотлари ҳудудида алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиш, истеъмол қилиш ва реклама қилиш тақиқланади.

**2009 йил 29 сентябрдан кучга кирди.**

### ҚУРУВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

**Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори** ***(АВ томонидан 2009 йил 19 сентябрда 2009-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти фақат фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини режалаштириш, қайта режалаштириш, безаш, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган ташкилотдир. Янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари (Президентнинг 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон қарори чиққандан кейин рўйхатдан ўтказилганлари) 2014 йил 1 январгача: солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно; Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистонга олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинади. Ушбу имтиёзлар ташкилотлар томонидан фақат ўз кучлари билан бажарилган ишларга қўлланилади.

**2009 йил 29 сентябрдан кучга кирди.**

### «ПАХТАБАНК» ЎРНИДА «АГРОБАНК»КА

**Молия вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг қарори** ***(АВ томонидан 2009 йил 23 сентябрда 1049-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан 2001 йил 16 июлда 1049-сон билан рўйхатдан ўтказилган Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди. Ҳужжат матнидаги «Пахтабанк» сўзи «Агробанк» сўзи билан алмаштирилди.

**2009 йил 3 октябрдан кучга кирди.**

*Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 19 сентябрдан 25 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 39-сони асосида тайёрланди.*

## МЕРОСХЎРЛИК ГУВОҲНОМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани беришни фақат давлат нотариал идоралари амалга ошириши мумкинлиги белгиланган. Хоразм вилоятида 15 та давлат нотариал идораси мавжуд бўлиб, уларда 24 нафар нотариус фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йил вилоятдаги давлат нотариал идораларида 71 мингдан зиёд нотариал ҳаракатлар амалга оширилган бўлса, шундан 863 таси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳномаларга оиддир.***

Фуқаролар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун давлат нотариал идораларига ёзма ариза билан мурожаат этишлари лозим. Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га ўтиши **ворислик** ҳисобланади. Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этгандан сўнг ҳал қилувчи фармойишни ўзи тириклигида қонунда белгиланган тартибда васиятнома билан расмийлаштиради.

Ворислик васиятномаси бўлмаган ҳолларда мол-мулкка нисбатан **мерос гувоҳномаси** асосий ҳужжат сифатида қабул қилинади. Нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтгандан кейин берилади.

Мерос гувоҳномасини олиш учун нотариусга меросхўрларнинг аризалари, вафот этган шахснинг ўлим гувоҳномаси, меросхўрларнинг вафот этган шахс билан қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси, суднинг қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳал қилув қарори), ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан маълумотнома, яшаш жойидан маълумотномалар топширилади.

Меросни қабул қилиб олувчи фуқаро яшаш жойидан олган маълумотномада вафот этган фуқаронинг охирги яшаб турган ва вафот этган жойи аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, вафот этган фуқаронинг маълумотномани олаётган шахсдан ташқари бошқа меросхўрлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳам ҳужжат талаб этилади.

Фуқаро Д.Отабоев 2008 йилда вафот этгач, унинг ягона меросхўри сифатида О.Отабоев қолди. Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан отадан қолган мулк учун меросга бўлган ҳуқуқ гувоҳномаси биринчи навбатдаги меросхўр – ўғилга берилади. Чунки меросхўрнинг онаси О.Манглиева турмуш ўртоғидан анча илгари – 1975 йилда вафот этган.

Меросхўрлар таркиби кўп бўлган тақдирда мулк тенг ҳиссада бўлинади. Масалан, М.Раҳимов 1990 йилда вафот қилди, турмуш ўртоғи Д.Акромова ва 6 нафар фарзандига мерос мулкини расмийлаштириш лозим. Бу ҳолатда Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотин мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Марҳумнинг бевасига уй-жойнинг иккидан бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома, мерос мулкининг қолган ярмига эса Д.Акромова ва 6 нафар фарзанд тенг ҳиссада, яъни еттидан бир қисмига меросхўр деб топилади.

2003 йилда вафот этган П.Мадримовдан ҳовли-жой қолган. Турмуш ўртоғи ҳам сал илгари оламдан кўз юмган. Уларнинг 8 нафар фарзанди ҳам биринчи навбатдаги меросхўр деб топилиб, ҳар бирига мол-мулкнинг саккиздан бир қисмига тенг ҳиссада белгиланди.

Агар вафот этган фуқародан автомашина мерос қолган бўлса, давлат нотариал идорасига автотеххизмат кўрсатиш бюросининг хулосаси тақдим этилади. Агар вафот этган фуқародан акция мерос қолган бўлса, унинг иш жойидан акциянинг мавжудлиги, ҳар бир акциянинг номинал қиймати, жами неча сўмлик акция мавжудлиги ҳақида маълумотнома, омонат кассаларида жамғарма пуллари қолган бўлса, омонат дафтарчасининг асл нусхасини нотариусга тақдим қилиш лозим.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ворисларнинг хоҳишларига кўра, ҳаммаларига битта ёки ҳар бир вориснинг ҳиссасига қараб алоҳида-алоҳида берилиши мумкин. Меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани олиш учун нотариусга мурожаат этмаган бўлса, унинг ҳиссаси очиқ қолдирилади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома фақатгина суднинг қарори билан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мерос гувоҳномасини расмийлаштиришда биринчи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкининг умумий суммасидан 0,3 фоиз, иккинчи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкининг умумий суммасидан 1 фоиз, қолган меросхўрлар эса мерос мулкининг умумий суммасидан 2 фоиз миқдорида давлат божи тўлайдилар. Бу тўловлар нотариус томонидан ундирилади. Қонун ва васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар уй-жойга берилса, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан, автомашинага берилса, ИИБ ТРИБдан рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Агар мерос бўйича тортишув, баҳс ва низолар келиб чиқадиган бўлса, бу масала фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

***Илҳом ТЎРАЕВ,***
***Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.***
***Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,***
***журналист.***

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 29 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1288,39 | 1 Малайзия ринггити | 431,30 |
| Англия фунт стерлинги | 2368,42 | 1 Польша злотийси | 520,34 |
| 1 Дания кронаси | 293,65 | 1 СДР | 2373,23 |
| 1 БАА дирҳами | 408,14 | 1 Туркия лираси | 1004,89 |
| 1 АҚШ доллари | 1499,00 | 1 Швейцария франки | 1445,79 |
| 1 Миср фунти | 272,60 | 1 ЕВРО | 2184,79 |
| 1 Исландия кронаси | 12,00 | 10 Жанубий Корея вони | 12,55 |
| 1 Канада доллари | 1366,58 | 10 Япония иенаси | 167,84 |
| 1 Хитой юани | 219,55 | 1 Россия рубли | 49,74 |
| | | 1 Украина гривнаси | 187,22 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 2.10.2009 | 1 | 0,8035 | 1 | 1,1689 | 1 | 0,0267 |
| Арманистон | 1.10.2009 | 1 | 384,07 | 1 | 559,82 | 1 | 12,77 |
| Беларусь | 2.10.2009 | 1 | 2763,00 | 1 | 4033,43 | 1 | 91,91 |
| Грузия | 2.10.2009 | 1 | 1,6757 | 1 | 2,4415 | 1 | 5,5741 |
| Қозоғистон | 2.10.2009 | 1 | 150,95 | 1 | 219,98 | 1 | 5,02 |
| Қирғизистон | 26.09.2009 | 1 | 43,6293 | 1 | 64,0151 | 1 | 1,4477 |
| Латвия | 2.10.2009 | 1 | 0,481 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,016 |
| Литва | 2.10.2009 | 1 | 2,3696 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,8792 |
| Молдова | 2.10.2009 | 1 | 11,4282 | 1 | 16,6257 | 1 | 0,3798 |
| Тожикистон | 2.10.2009 | 1 | 4,3814 | 1 | 6,4179 | 10 | 1,4618 |
| Ўзбекистон | 29.09.2009 | 1 | 1499,00 | 1 | 2184,79 | 1 | 49,74 |
| Украина | 2.10.2009 | 100 | 800,90 | 100 | 1164,4285 | 10 | 2,6642 |
| Эстония | 1.10.2009 | 1 | 10,7319 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,356692 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

УШБУ СОНДА:

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Хўжасизлик барҳам топади
– Меросхўрлик гувоҳномаси
– Валюталар курси ***1-2-бетлар***
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:**
– «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»;
– «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-2-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида».
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
– «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида». Идоравий-меъёрий ҳужжат:
– ЎзР МББнинг «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори. ***3-8-бетлар***
• **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони (кўчирма)
– Умумий мулк бўйича ихтилофлар сабабчиси
– 15 йил ва яна уч йил ўтди
– Электрон ҳисоблагичлар ҳозирча керак эмас
– Чин савдогарлик сўзи
– ХУМШ манфаатларини юристлар ҳимоя қилишади
– Ўз уйингнинг экологи ўзингсан ***9-12-бетлар***
• **top** ***13-16-бетлар***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-2-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

– ЎзР МББнинг «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган.***
*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 37-сон, 403-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»**ги 223-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N 4, 76-модда; 1992 йил, N 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, N 4-5, 126-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, N 12, 640-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қимматбаҳо қоғозларга» деган сўзлар «қимматли қоғозларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган **«Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»**ги 285-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 77II-сонли қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, N 5-6, 148-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 5, 90-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 410-мо дда) **6-моддаси ва 13-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги** «қимматбаҳо қоғозлар» ва «қимматбаҳо қоғозларни» деган сўзлар тегишинча «қимматли қоғозлар» ва «қимматли қоғозларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги 734-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, N 5-6, 149-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 4, 154-модда, N 10, 536-модда; 2007 йил, N 9, 417-модда) **10-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «бошқарув компаниялари» деган сўзлар «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Валютани тартибга солиш тўғрисида»**ги 841-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 556-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, N 1-2, 6-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг учинчи қисмидаги** «қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг бешинчи қисмидаги** «ва мувофиқлаштириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, N 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 414-модда; 2008 йил, N 12, 640-модда; 2009 йил, N 1, 1-модда, N 4, 133-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **170-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган шахслардан ташқари,

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 10 сентябрдаги 178 (4841)-сонида эълон қилинган.*

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳам иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади»;

2) **171-модданинг** матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун суд бошқарувчиси сифатида аттестациядан ўтиши, шунингдек унда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномаси бўлиши керак».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 247-модда; 1998 йил, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 5, 124-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 9, 496-модда; 2007 йил, N 12, 608-модда; 2009 йил, N 4, 133-модда) **ўзбекча матнига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **VIII бўлимнинг номидаги «ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР»** деган сўзлар **«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **50-модда:**

**номидаги «қимматбаҳо қоғозлар»** деган сўзлар **«қимматли қоғозлар»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги, учинчи қисмининг иккинчи жумласидаги ва тўртинчи қисмидаги «қимматбаҳо қоғозлар», «қимматбаҳо қоғозлар» ва «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар тегишинча «қимматли қоғозлар», «қимматли қоғозлар» ва «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **53-модданинг тўртинчи қисмидаги** «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 5-6, 61-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 9, 229-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 4, 154-модда; 2007 йил, N 7, 325-модда, N 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, N 9, 489-модда, N 12, 640-модда; 2009 йил, N 4, 133-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **41-модданинг ўн биринчи қисмидаги** «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **61-модданинг иккинчи қисмидаги** «инвестиция институти» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **114-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошисидаги** «инвестиция институтлари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошиси** ўзбекча матнидаги «қатнашчиларининг» деган сўз «иштирокчиларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **117-модданинг номидаги ва матнидаги** «Инвестиция институтларининг» ва «Инвестиция институтлари» деган сўзлар тегишинча «қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг» ва «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222-II-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, N 6-7, 105-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 4, 154-модда; 2007 йил, N 7, 323-модда, N 9, 416-модда) **1-илованинг:**

**қирқ учинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги** «қимматбаҳо қоғозлар» деган сўзлар «қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**қирқ тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, N 12, 639-модда) **147-моддасининг 26-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26) инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашга доир харажатлар».

**10-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 9 сентябрь*
*ЎРҚ-216-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 52-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган.***
*«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 37-сон, 405-модда.*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 12 сентябрдаги 180 (4843)-сонида эълон қилинган.*

Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, N 1-2,11-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, N 8, 367-модда; 2008 йил, N 4, 185-модда; 2009 йил, N 1, 1-модда) **52-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

1) адвокатлар;

2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари;

3) юридик шахсларнинг ходимлари шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;

4) нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;

5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари;

6) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;

7) ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.

Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 11 сентябрь*
*ЎРҚ-218-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 185-2-МОДДАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИНГ 101-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 38-сон, 414-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 314-модда, N 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 12, 656-модда; 2007 йил, N 4, 158, 166-моддалар, N 6, 248-модда, N 9, 416, 422-моддалар, N 12, 607-модда; 2008 йил, N 4, 187, 188, 189-моддалар, N 7, 352-модда, N 9, 485, 487, 488-моддалар, N 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, N 1, 1-модда, N 4, 128-модда) **185-2-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 193-модда, N 12, 269-модда; 1996 йил, N 5-6, 69-модда, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 4-5, 126-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 5, 67-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда, N 9, 171-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда, N 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 9, 498-модда, N 10, 536-модда, N 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, N 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, N 9, 416, 421-моддалар, N 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, N 4, 181, 189, 192-моддалар, N 9, 486, 488-моддалар; 2009 йил, N 1, 1-модда) **101-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 16 сентябрдаги 182 (4845)-сонида эълон қилинган.*

**«101-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 15 сентябрь*
*ЎРҚ-220-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 35-сон, 382-модда)*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 22 августдаги 245-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини белгилайди ҳамда иссиқлик таъминоти корхонаси ва иссиқлик энергиясининг истеъмолчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур қоидаларнинг амал қилиши маиший истеъмол учун аҳолига иссиқлик энергияси етказиб берилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган:

иссиқлик таъминотининг аварияли брони – истеъмолчининг фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатишда, ускуналарни сақлаш, инсонлар ҳаёти хавфсизлиги, хоналарни иситиш учун зарур бўлган иссиқлик энергиясининг энг кам миқдордаги сарфи;

**иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси** – иссиқлик тармоғининг иссиқлик таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги бўлиниш нуқтаси, у иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублиги билан аниқланади;

**иссиқлик энергияси сифати** – бу иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасида иссиқлик элтувчи параметрларининг иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

**ҳисобга олишни назорат қилиш прибори** – назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳисобга олиш прибори, унинг кўрсаткичлари асосида иссиқлик тармоғининг мазкур нуқтасидаги иссиқлик энергияси сарфи аниқланади;

**етарли миқдорда берилмаган (кам бериш) иссиқлик энергияси** – иссиқлик таъминотидаги танаффус ёки чеклаш вақтида истеъмолчи тўлиқ ололмаган иссиқлик энергияси миқдори;

**чеклаш** – иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида назарда тутилган тадбирларни қўллаш натижасида муайян вақт оралиғи давомида, шунингдек иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларида форс-мажор ҳолатлари туфайли пайдо бўлган авария режимлари вақтида истеъмолчига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдорининг камайиши;

**якуний ҳисоб-китоб** – ҳисоб-китоб даври тугагач истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчининг иссиқлик таъминоти корхонаси билан ҳисоб-китоб қилиши;

**улгуржи истеъмолчи** – қайта сотувчи – иссиқлик таъминоти корхонасининг истеъмолчиси сифатида ҳаракат қилувчи, ўзининг балансида иссиқлик тармоқлари бўлган ва иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясини улгуржи харид қилувчи ва уни шартнома бўйича турли истеъмолчиларга қайтадан сотувчи ихтисослашган корхона;

**иссиқлик таъминотидаги танаффус (узиб қўйиш)** – истеъмолчига иссиқлик энергияси етказиб берилишини тўхтатиш;

**тўлов ҳужжати** – тўлов талабномаси, топшириқномаси, унга асосан иссиқлик таъминоти корхонасининг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома, унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади;

**режали узиб қўйиш** – иссиқлик таъминоти корхонасининг ускуналарини режали – эҳтиётдан таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактикаси даврида истеъмолчилар билан олдиндан келишилган ва уларни (камида 3 сутка олдин) огоҳлантирган ҳолда истеъмолчига иссиқлик энергияси беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

**истеъмолчи** – иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларига бевосита уланган, у билан иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасига эга бўлган, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқи ва шартлари истеъмолчи ҳамда иссиқлик таъминоти корхонаси ёки унинг юқори ташкилоти билан тузилган шартномада белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

**оралиқ ҳисоб-китоб** – ҳисоб-китоб даври мобайнида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчи томонидан қисман ҳақ тўлаш;

**ҳисоб-китоб даври** – иссиқлик энергиясининг истеъмол сарфи (ҳажми) аниқланиши, истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчи ва иссиқлик таъмино-

*Қарор ҳамда 1 ва 3-иловалар «Норма маслаҳатчи»нинг 2009 йил 21 сентябрдаги 38 (219)-сонида чоп этилган.

ти корхонаси ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган вақт даври (ой). Томонлар билан келишилган ҳисоб-китоб даври иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида кўрсатилади;

**иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш прибори** – Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш қоидаларининг талабларига жавоб берадиган, уларнинг кўрсаткичлари бўйича истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун иссиқлик таъминоти корхонаси билан ўзаро ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган ҳисобга олиш приборлари;

**субистеъмолчи** – иссиқлик таъминоти корхонасининг розилиги билан истеъмолчининг иссиқлик тармоқларига бевосита уланган ва истеъмолчи билан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш юзасидан шартномага эга бўлган истеъмолчи. Субистеъмолчига энергия беришда истеъмолчи Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш юзасидан иссиқлик таъминоти корхонаси олдида жавобгар ҳисобланади;

**иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари** – иссиқлик энергиясини қабул қилиш, узатиш, қайта ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ёки прибор;

**иссиқлик таъминоти корхонаси** – иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси бўйича иссиқлик энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс, шу жумладан улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи;

**ҳисобга олиш нуқтаси** – иссиқлик таъминоти схемасидаги нуқта, унда ўлчаш прибори (ҳисобга олиш прибори, ҳисобга олиш тизими, иссиқлик ўлчагич ва шу кабилар) ёрдамида ёки бошқача усулда иссиқлик энергияси сарфининг миқдори аниқланади.

3. Саноат маҳсулотининг тури сифатида иссиқлик энергиясидан фойдаланиш иссиқлик таъминоти корхонаси билан иссиқлик қурилмалари иссиқлик таъминоти корхонасининг тармоқларига бевосита уланган истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома асосида, мазкур қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Иссиқлик энергиясидан фойдаланишнинг намунавий шартномалари шакллари қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда кейинчалик белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ҳолда Электр энергетикасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўздавэнергоназорат» ДИ деб аталади) томонидан тасдиқланади.

Истеъмолчи билан иссиқлик таъминоти ўртасидаги иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

шартноманинг мавзуси;

истеъмол қилишнинг белгиланган режимларига ва иссиқлик энергияси сифати кўрсаткичларига риоя қилиш шартлари ва бу бўйича томонларнинг мажбуриятлари;

томонларнинг иссиқлик тармоқларини баланс бўйича мансублигини бўлиниш ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари;

истеъмолчининг иссиқлик тармоқларига уланган субистеъмолчилар ҳақидаги маълумотлар;

у бўйича тўлов амалга ошириладиган 1 Гкал иссиқлик энергиясининг тарифи;

бир соатлик энг катта юклама, хоналарни иситиш, шамоллатиш, технологик эҳтиёжлар учун бўлинган ҳолда ва иссиқ сув таъминоти учун ўртача суткалик бир соатлик юклама;

тармоқ сувининг бир соатда олинадиган энг кўп миқдори;

қайтарилаётган конденсатнинг сифати ва миқдори (истеъмол қилинган буғнинг умумий миқдорига нисбатан фоизларда), ойлар бўйича бўлинган ҳолда;

ҳисобга олиш приборлари бўйича маълумотлар (тури ва ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жой);

иссиқлик энергиясини узатиш ва истеъмол қилишнинг алоҳида шартлари;

томонларнинг жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

томонларнинг реквизитлари.

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича шартноманинг намунавий шаклига қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қўшимча бандлар киритилиши мумкин.

Субистеъмолчилар билан истеъмолчи ўртасида иссиқлик энергиясидан фойдаланиш юзасидан шартнома истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти корхонасининг розилиги олингандан кейин тузилади.

Табиий монополияларнинг субъектлари томонидан мажбурий тартибда хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчиларга (субистеъмолчиларга) иссиқлик энергиясини сотишда, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида фаолиятнинг хусусиятидан, асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмидан, фойдаланиладиган ускуналарнинг тавсифларидан ҳамда ноишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган объектлардан келиб чиққан ҳолда мазкур иссиқлик энергияси истеъмолчилари таъминотининг энг кам даражаси кўзда тутилган бўлиши керак.

4. Иссиқлик энергиясига тариф ўзгарган тақдирда, санасидан қатъи назар, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи (субистеъмолчи) олинган иссиқлик энергияси учун янги тариф жорий этилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлашга мажбур.

5. Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасини тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда томонлар қонун ҳужжатларига ва мазкур қоидаларга амал қиладилар.

6. Истеъмолчи фақат иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишган ҳолда ўз иссиқлик тармоқларига бошқа субистеъмолчиларни улаши ҳамда улар билан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича шартнома тузиши мумкин.

7. Шартномада қайд этилган буғ ва иссиқ сувдаги бир соатлик энг катта иссиқлик юкламаси техник шартларнинг лойиҳавий ечимларидаги параметрларга асосан белгиланади.

Энг катта иссиқлик юкламасини ошириш учун истеъмолчи қўшимча миқдор учун техник шартлар олиши шарт.

Субистеъмолчининг иссиқлик юкламасини оширишда ҳам истеъмолчи иссиқлик таъминоти корхонасидан қўшимча техник шартларни олиши керак.

8. Янги истеъмолчилар ва субистеъмолчиларни иссиқлик тармоқларига улаш, улар иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини ишга тушириш учун «Ўздавэнергоназорат» ДИда рухсат олганларидан кейин, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

9. Улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи ёки истеъмолчи ўз тармоқларига уланган чет истеъмолчилар ёки субистеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда умумий (жамлама) бир соатлик энг катта иссиқлик юкламаси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасини иссиқлик таъминоти корхонаси билан тузади.

10. Иссиқлик таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазкур қоидалар ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартнома билан тартибга солинади.

11. Иссиқлик таъминоти корхонаси тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

12. Иссиқлик энергиясининг оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши ва истеъмол қилиниши ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилишда хавфсизлик таъминланишига йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирларининг бажарилиши устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ «Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан амалга оширилади.

Давлат энергетика назоратининг амалга оширилиши истеъмолчиларни ишлатилаётган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, прибор ва ускуналарнинг зарур техник ҳолати ва хавфсизлиги таъминланиши, иссиқлик энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилиниши учун жавобгарликдан, шунингдек иссиқлик энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнғинлар, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг носозликлари ва бошқа қоидабузишлар тўғрисида иссиқлик таъминоти корхонасини дарҳол хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

13. Иссиқлик энергияси нооқилона, исроф қилиб ишлаб чиқарилганлиги, узатилганлиги ва истеъмол қилинганлиги ҳамда уларнинг авария хавфини туғдирадиган ёки одамларнинг ҳаётига хавф соладиган қониқарсиз техник ҳолати учун «Ўздавэнергоназорат» ДИ иссиқлик таъминоти корхонасининг ускуналари, истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

14. Махсус қоидалар бўйича эксплуатация қилинадиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари устидан энергетика назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ, тегишли ваколатли идоралар томонидан амалга оширилади.

15. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, прибор ва ускуналарнинг техник ҳолатига ҳамда уларни эксплуатация қилишга нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16. Мазкур қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар иссиқлик таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги шартномага, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Маъмурий кодексига, Жиноят кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## II. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИГА УЛАШНИНГ ТЕХНИК ШАРТЛАРИ

17. Иссиқликдан фойдаланувчи янги қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини улаш ёки ишлаб турган объектларда шартномадаги миқдорларга нисбатан истеъмол қилинадиган иссиқлик юкламасини ошириш учун истеъмолчи иссиқлик тармоқларига уланиш амалга оширилаётган иссиқлик таъминоти корхонасидан техник шартларни олишга мажбур.

Техник шартлар ҳақ олмасдан берилади.

18. Иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларига янги истеъмолчиларни улаш ёки ишлаб турган объектларда шартномадаги миқдорларга нисбатан истеъмол қилинадиган иссиқлик юкламасини ошириш учун техник шартлар истеъмолчининг ёки унинг топшириғи бўйича лойиҳалаш ташкилотининг, архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармасининг (бўлимининг) буюртмаомасига кўра, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилади. Унда лойиҳаланаётган объектни тавсифловчи, қисқа шаклдаги маълумотлар: уни лойиҳалаш ва қуришнинг давомийлиги, ўрнашган жойи (картография маълумотлари), лойиҳавий қарорларнинг маълумотларига асосланган (технологик эҳтиёжлар, хоналарни иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти) истеъмол турлари бўйича ва иссиқлик билан таъминлашнинг ишончлилиги бўйича талаблар кўрсатилади.

Улаш ёки мавжуд иссиқлик юкламаларини оширишнинг техник имкониятлари бўлмаганда, иссиқлик таъминоти корхонаси, буни тегишли тарзда асослаган ҳолда, техник шартлар беришни рад этади.

19. Иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчидан ёки унинг топшириғи бўйича лойиҳалаш ташкилотидан буюртманомани олгандан кейин икки ҳафта муддатда, уларни турли майдончаларда жойлаштириш вариантлари учун техник-иқтисодий таққослаш бажарилаётган ёки қурилишни, кенгайтиришни ёки реконструкция қилишни асослаш бўйича техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар қилинаётган янги қуриладиган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки айрим ишлаб чиқаришларининг иссиқлик таъминоти учун дастлабки шартларини беради. Янги ташкилотларни, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари, айрим ишлаб чиқаришларни ёки истеъмолчининг ташқи иссиқлик таъминоти схемасини ўзгартиришни талаб қилувчи кенгайтирилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб турган объектларнинг иссиқлик таъминоти бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимларини келишиб олиш иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан, қурилиш майдонини танлаш пайтида амалга оширилади.

20. Тадбиркорлик субъектларини иссиқлик тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг ёки архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармасининг (бўлимининг) буюртмаомаси бўйича, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан, дастлабки шартларни бермаган ҳолда, уч иш кунидан ошмайдиган муддатда берилади.

21. Техник шартларда қуйидагилар кўрсатилади:

а) иссиқлик билан таъминлаш манбаи ва унинг ишончлилиги, иссиқлик тармоқларига асосий ва захира киришларидан кейин уланиш ёки электр станциялари ва иссиқлик марказлари коллекторларига уланиш нуқталари, етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдорини тартибга солиш усули;

б) бошқа истеъмолчининг юкламаларини ҳисобга олган ҳолда асосий ва захира киришларнинг уланиш нуқталарида иссиқлик элтувчи параметрлари ва гидравлик режим;

в) умумий бир соатлик энг катта иссиқлик юкламаси, буюртманомада кўрсатилган миқдорларга мувофиқ хоналарни иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти ва технологик эҳтиёжларга бўлинган ҳолда;

г) мазкур объектни ишга тушириш ёки мавжуд бир соатлик энг катта юкламани ошириш ҳисобига мавжуд тармоқнинг ўтказиш қобилиятини ва иссиқлик манбаининг иш унумини ошириш бўйича асосланган талаблар;

д) қайтариладиган буғ конденсатининг миқдори, сифати ва чиқариб олиш режими, конденсатни йиғиш ва қайтариш схемаси;

е) иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг ҳисобга олиниши ва ўрнатилишига қўйиладиган талаблар;

ж) ишончлилик талабларини ҳисобга олган ҳолда захира иссиқлик таъминоти манбалари;

з) қувурлар ётқизишга ҳамда каналлар ва камераларни, беркитиш ва тартибга солиш арматурасини ўрнатишга, қувурларни изоляция қилишга, коррозияга қарши ҳимояга, иссиқлик пунктларини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;

и) иситиш-вентиляция ва технологик юклама ҳамда иссиқ сув таъминоти юкламасини улашнинг иссиқлик схемаси;

к) қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган иссиқлик тармоқларининг баланс ва эксплуатация қилиш бўйича мансублиги (иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича бўлиниш чегараси);

л) иссиқлик энергияси етказиб беришдаги ҳарорат жадвали ва истеъмолчининг иссиқлик таъминоти тизимидан тармоқ сувининг бир соатдаги энг кўп сарфи;

м) техник шартларнинг, лойиҳалаштириш ва ишларни бажариш давомийлиги бўйича амалдаги меъёрларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган амал қилиш муддати.

Истеъмолчи ёки бош лойиҳалаш ташкилоти, архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармаси (бўлими) техник шартлар талабларига рози бўлмаган тақдирда келишмовчиликлар тўғрисидаги масала бамаслаҳат, барча манфаатдор томонлар иштирокида, техник шартларни берган корхонанинг техник кенгашида кўриб чиқилади.

22. Истеъмолчига техник шартлар берилишига қадар улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи ёки истеъмолчи уларни иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишиши шарт.

Истеъмолчининг иссиқлик юкламалари уланишини аниқлаш мақсадида техник шартларнинг бир нусхаси уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши учун иссиқлик таъминоти корхонасига берилади.

23. Истеъмолчининг истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси миқдори ёки иссиқлик элтувчи параметрлари ўзгартирилишини талаб қиладиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларини ва иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ёки кенгайтиришда истеъмолчи уларни иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларига улаш учун иссиқлик таъминоти корхонасидан техник шартларни ҳам олиши керак.

24. Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартларни бажариш истеъмолчилар ва иссиқлик таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш зиммасига юкланган лойиҳалаш ташкилотлари учун мажбурийдир.

Амал қилиш муддати тугаган ва бошқа муддатга узайтирилмаган техник шартлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Истеъмолчи янги техник шартларни ва янги ёки қўшимча қувватларни улаш учун рухсатномани мазкур қоидаларда кўзда тутилган тартибда олади.

Объектнинг мақсади, вазифаси ўзгарган тақдирда истеъмолчига берилган техник шартлар бекор қилинади, шундан кейин истеъмолчи янги техник шартлар олиши керак.

25. Техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришларининг иссиқлик таъминоти лойиҳалари (ишчи лойиҳалар), корхона, бино, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришларнинг комплекс лойиҳаси тасдиқланишидан олдин, иссиқлик таъминоти корхонаси ва «Ўздавэнергоназорат» ДИ билан келишилиши керак.

Лойиҳага мувофиқ ишлаб чиқилган ишчи чизмалар қурилиш ишлари бошланишидан олдин иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишилиши керак.

Улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчининг ёки истеъмолчининг иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни олган субистеъмолчи унга ва «Ўздавэнергоназорат» ДИга ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини келишиш учун тақдим этади.

Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқишда техник шартлар ва амалдаги норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқиш аниқланган ҳолларда, истеъмолчига келишишни рад этишни асослаган ҳолда хат юборилади. Истеъмолчи рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейин лойиҳани келишиш учун такроран тақдим этиш ҳуқуқига эга.

26. Истеъмолчиларнинг юкламаларини улаш билан боғлиқ бўлган янги иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларини қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш истеъмолчиларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## III. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ИССИҚЛИКДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ВА ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШГА ИЖОЗАТ БЕРИШ

27. Истеъмолчиларнинг янгидан уланадиган, реконструкция қилинадиган иссиқликдан фойдаланувчи барча қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатларига, техник шартларга, қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши ҳамда техникавий эксплуатация қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича амалдаги қоидалар талабларига жавоб бериши, шунингдек техник ва қабул қилиш-топшириш ҳужжатларига эга бўлиши керак.

28. Истеъмолчи иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни ва иссиқлик тармоқларини монтаж ташкилотидан мазкур қоидаларга мувофиқ далолатнома бўйича қабул қилади.

Шундан кейин истеъмолчи «Ўздавэнергоназорат» ДИнинг ваколатланган вакилига «Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари»нинг, қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига жавоб берадиган лойиҳа, техник, қабул қилиш-топшириш ва эксплуатация қилиш ҳужжатларини ҳамда иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини вақтинчалик ёки доимий эксплуатация қилинишига ижозат берилиши мумкинлигини аниқлаш учун кўрикдан ўтказишга тақдим этиши шарт.

Истеъмолчиларнинг реконструкция қилинган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари ҳам вақтинчалик ва доимий ишга туширишга рухсат бериш мумкинлигини аниқлаш мақсадида кўрикдан ўтказиш учун «Ўздавэнергоназорат» ДИнинг ваколатланган вакилига тақдим этилиши керак.

Истеъмолчининг буюртманомаси бўйича ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш учун иссиқлик таъминоти корхонаси иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини ариза берилган муддатга вақтинчалик шартнома бўйича ишга туширади.

29. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларида монтаж қилишда нуқсонлар, берилган техник шартлардан, иссиқлик таъминоти ташкилоти ва «Ўздавэнергоназорат» ДИ билан келишилган лойиҳадан, шу жумладан мазкур қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқишлар, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш учун тайёрланган ходимлар йўқлиги ҳамда хавфсизлик техникаси ва ёнғинни ўчириш бўйича ҳимоя воситалари билан тўлиқ бутланмаганлиги аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар, уларни ишга туширишга рухсат бериш тақиқланади.

Тегишли равишда тайёрланган ходимларга эга бўлмаган истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини, улар эксплуатация қилиниши учун шартнома асосида ихтисослаштирилган ташкилотга топширилганда, ишга тушириш учун ижозат берилиши мумкин.

30. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари фақат «Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан берилган рухсатнома мавжуд бўлгандагина ишга туширилиши мумкин.

31. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларига иссиқлик энергиясини етказиб бериш «Ўздавэнергоназорат» ДИдан уларни ишга тушириш учун тегишли рухсат олингандан ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш учун шартнома тузилгандан кейин иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

«Ўздавэнергоназорат» ДИ иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник кўрикдан ўтказилиши ва уларни эксплуатация қилишга ижозат берилиши учун жавоб беради.

Эксплуатация қилинаётган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник кўрикдан ўтказиш даврийлиги «Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан ўрнатилган тартибда белгилаб берилади.

## IV. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИНИ ЎРНАТИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ

32. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш тартиби иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартлар билан белгиланади. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини эксплуатация қилиш шартлари томонлар тарафидан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида келишиб олинади.

33. Барча иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг ис-

сиқлик истеъмоли тизимлари зарур ҳисобга олиш приборлари билан таъминланган бўлиши керак.

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш Ёқилғи ва энергияни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда ҳисобга олишни ташкил этиш тартибига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Усулларни, ўлчаш воситаларини танлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва қоидалари Ёқилғи ва энергияни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, улардан фойдаланишни ташкил этиш қоидаларида белгиланган.

34. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва уларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини улаш тақиқланади.

35. Иссиқлик таъминоти корхонасининг объектларида ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари истеъмолчи томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, «Ўзстандарт» агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида иссиқлик таъминоти корхонасининг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари истеъмолчининг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини бошқа жойга ўрнатиш ва кўчириш, иссиқлик таъминоти корхонасининг тегишли ходими ва истеъмолчи иштирокида, ушбу прибор балансида турган баланс эгасининг ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборларининг бузилган ёки уларнинг кўрсаткичлари тўғрилигига шубҳа туғилган тақдирда истеъмолчи ёки иссиқлик таъминоти корхонаси бу ҳақда тегишли равишда иссиқлик таъминоти корхонасига ёки истеъмолчига дарҳол маълум қилиши шарт. Ушбу ҳолат бўйича икки томонлама тегишли далолатнома тузилиб, ҳисобга олиш приборларининг ишлашидаги нософзликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. Истеъмолчининг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса – ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақлидир, бу ҳолда иссиқлик таъминоти корхонаси беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

Истеъмолчи ҳисобга олиш приборининг бузилганлиги тўғрисида иссиқлик таъминоти корхонасини ўз вақтида огоҳлантирмаган тақдирда, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилгунгача ҳисоб-китоблар, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан шартномадаги юклама ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси ҳисобга олиш приборининг бузилганлиги тўғрисида истеъмолчини ўз вақтида огоҳлантирмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бундан олдинги ҳисобот даврида белгиланган иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик сарфи бўйича амалга оширилади. Бундан олдинги ҳисобот даврида иссиқлик энергияси истеъмол қилинмаган бўлса, у ҳолда ҳисоб-китоб ўтган йилнинг тегишли давридаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчилар томонидан ўлчаш диафрагмаларини ўрнатиш вақтида иссиқлик таъминоти корхонасининг ва истеъмолчининг вакиллари иштирок этиши керак.

36. Иссиқлик энергияси берилишини ҳисобга олиш иссиқлик таъминоти корхонаси ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқларининг бўлиниш чегарасида амалга оширилиши керак.

Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби ёки иссиқлик энергияси йўқотишларининг синовини иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчи билан биргаликда «Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ амалга оширади.

## V. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТОМОНИДАН ИССИҚЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ВА ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ

37. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ҳамда иссиқлик тармоқларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича истеъмолчи билан иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасидаги жавобгарлик чегараси уларнинг баланс бўйича мансублигига қараб белгиланади ва шартномага илова қилинадиган далолатномада акс эттирилади.

38. Иссиқлик таъминоти корхонасига тегишли бўлган иссиқлик тармоқларида истеъмолчига тегишли бўлган қурилмалар ёки ускуналар бўлмаслиги керак.

Битта камерада (қудуқда), иссиқлик тармоқларида, эстакадада ҳар хил корхоналар томонидан хизмат кўрсатиладиган ускуналар бўлмаслиги керак.

Ишлаб турган қурилмаларда ҳар хил ташкилотларга тегишли бўлган ускуналар мавжуд бўлса барча ускуналар иссиқлик таъминоти корхонасининг балансига ва хизмат кўрсатилишига ўтказилади.

## VI. ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

39. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолларда истеъмолчини огоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилмаганда;

субистеъмолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари «Ўздавэнергоназорат» ДИ рухсатисиз ишга туширилганда;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ҳисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

иссиқлик юкламаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори иссиқлик таъминоти корхонасининг розилигисиз оширилганда;

иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соатда олинадиган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

тармоқдаги сув ифлосланганда;

иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида кўзда тутилган буғ конденсати 50 фоиздан кам миқдорда қайтарилганда;

иссиқлик таъминоти корхонаси вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

40. Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги истеъмолчиларни улашда за-

хира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчини узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Истеъмолчини иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда истеъмолчи иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса иссиқлик таъминоти корхонаси ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб қўйишдан камида 24 соат олдин истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

41. Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш учун иссиқлик таъминоти корхонаси, узиб қўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, истеъмолчига иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

42. Тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти иссиқлик таъминоти корхонаси диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан истеъмолчининг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

43. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолатлар оқибатида иссиқлик таъминотидаги танаффуслар, иссиқлик элтувчи параметрларининг пасайганлиги ва иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун истеъмолчилар олдида моддий жавобгар бўлмайди:

а) иссиқлик таъминоти корхонаси ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдироқ, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнғин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°Сга ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши;

б) истеъмолчи ходимларининг иссиқлик истеъмоли режимини ўзгаришига сабаб бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлари;

в) мазкур қоидаларнинг 42-бандида назарда тутилган иссиқлик энергияси етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиш шартларига мувофиқ истеъмолчи иссиқлик юкламаларининг шартномавий миқдорлари оширилишига йўл қўядиган ёки унинг учун белгиланган иссиқлик истеъмоли режимларига риоя қилмаган суткалар мобайнида паст параметрли иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги.

## VII. ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

44. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидагиларга мажбур:

шартномага мувофиқ истеъмолчига иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида буғ ва иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

буғ (босим ва ҳарорат) бўйича – 5 фоиздан ортиқ (±);

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (±);

сув босими бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда – 5 фоиздан ортиқ (±);

орқага қайтадиган қувурда – 20 кПа дан ортиқ (±) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида ҳисобга олинади;

иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми истеъмолчининг вакили иштирокида иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

истеъмолчиларнинг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларини 10 кун муддатда кўриб чиқиш.

45. Истеъмолчида иссиқлик таъминоти корхонасининг объектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг тўғрилиги бўйича шубҳа туғиладиган бўлса, иссиқлик таъминоти корхонаси, белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида истеъмолчи вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришини таъминлаши лозим.

Иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчи балансидаги иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва ўрнатиш бўйича олдиндан келишилган ишларни бажариш учун истеъмолчи ходимларини ўз ҳудудига киритиши керак.

## VIII. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

46. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;

иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:

буғ бериш бўйича (ҳарорат, босим) 5 фоиздан ортиқ (±);

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (±);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича – 5 фоиздан ортиқ (±);

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича – 20 кПа ортиқ (±) пасайиб кетишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

мазкур қоидаларнинг талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан пасайганда, бу ҳақда иссиқлик таъминоти корхонасига олдиндан хабар берган ҳолда, иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш. Ушбу ҳолда иссиқлик таъминоти корхонаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчи олдида жавоб беради.

47. Иссиқлик энергияси билан таъминлашда иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда иссиқлик таъминоти корхонаси иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида истеъмолчига етказилган моддий зарарни қоплайди.

## IX. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

48. Истеъмолчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларига ҳамда Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига, шунингдек мазкур қоидаларга қатъий риоя қилиш;

иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш;

иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишмасдан ис-

сиқлик энергияси бир соатлик юкламаларининг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олиниши миқдорини оширмаслик;

иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан иссиқлик таъминоти корхонасининг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

буғ конденсати ва тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда, сифатда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишиш;

ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўкиш учун жўмраклар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани иссиқлик таъминоти корхонасининг вакили билан биргаликда пломбалаш, ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш. Пломбаларни олиш иссиқлик таъминоти корхонасининг рухсати билан амалга оширилиши лозим;

иссиқлик энергиясидан фойдаланишни яхшилаш, буғ конденсати қайтарилишини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

умуман корхона бўйича ва алоҳида иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар бўйича буғ-конденсат балансларини тузиш;

иссиқлик таъминоти корхонасининг вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кўздан кечиришини таъминлаш;

барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро чизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиш йўриқномаларига эга бўлиш;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик кўрган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигига, иссиқлик энергияси сарфининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

иссиқлик энергиясидан ноокилона ва исрофгарчилик билан фойдаланилишига йўл қўймаслик;

иссиқлик тармоқларида иморатлар қурилишига, материаллар тахланишига, дарахтлар ўтқазилишига йўл қўймаслик;

иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик ускуналарини ва қурилмаларни қайта жиҳозлашга йўл қўймаслик;

иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинишига йўл қўймаслик;

иситиш тизимларида иссиқлик элтувчидан бошқа мақсадларда фойдаланилишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув оқизилишига) йўл қўймаслик.

49. Истеъмолчи иссиқлик таъминоти корхонасининг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдиндан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун иссиқлик таъминоти корхонасининг вакилларини ўз ҳудудига киритиши лозим.

## X. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

50. Иссиқликдан фойдаланиш хусусиятига кўра истеъмолчилар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар ҳамда кейинги гуруҳларга киритилмаган истеъмолчилар;

б) улгуржи истеъмолчилар – қайта сотувчилар – ўз балансида иссиқлик тармоқларига эга бўлган ва уларни эксплуатация қилувчи, иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясини улгуржи харид қилувчи ва уни ҳар хил истеъмолчиларга қайта сотувчи хўжалик ҳисобидаги корхоналар;

в) иссиқхона хўжаликлари – иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи истеъмолчилар.

51. Иссиқлик энергияси учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига асосан белгиланган тартибда тасдиқланган тарифларга мувофиқ иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

52. Истеъмолчининг иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари улар ва субистеъмолчилар ўртасида иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш улушига ва иссиқлик тармоғи узунлигига мутаносиб равишда тақсимланади.

53. Истеъмолчига етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдори иссиқлик таъминоти корхонаси ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқларининг бўлиниш чегарасида ҳисобга олинади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари истеъмолчининг ҳисобига тегишли бўлади. Агар буғ ва иссиқ сув истеъмолчининг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

54. Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда истеъмолчи бир ҳафта муддатда бу ҳақда иссиқлик таъминоти корхонасига ариза бериши керак.

Иссиқлик таъминоти корхонаси 10 кун муддатда (истеъмолчининг аризаси берилган кундан бошлаб) ҳисобга олиш приборларини ёки у бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини истеъмолчининг вакиллари иштирокида текшириши шарт.

55. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда иссиқлик таъминоти корхонаси охирги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, истеъмолчининг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

56. Агар ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги четга чиқишлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлмаса улар йўл қўйилиши мумкин деб ҳисобланади ва қайта ҳисоб-китобни талаб қилмайди.

57. Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши истеъмолчини у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловни белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

58. Истеъмолчи ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни иссиқлик таъминоти корхонасига тақдим этади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаса иссиқлик таъминоти корхонаси ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорининг қайта ҳисоб-китоби, соз ҳолатдаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин бажарилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китобда эътиборга олинади.

59. Асосий истеъмолчилар қайта сотиладиган иссиқлик энергияси учун иссиқлик таъминоти корхонаси билан ҳам, субистеъмолчилар билан ҳам истеъмолчиларнинг субистеъмолчилар тегишли бўлган гуруҳлари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қиладилар.

## XI. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА БУҒ ҲОЛИДА БЕРИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

60. Истеъмолчига буғ ҳолида берилаётган иссиқлик энергиясининг миқдори (гигакалорияларда) буғнинг белгиланган параметрларида буғ миқдорини унинг таркибидаги иссиқлик миқдорига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Бунда мазкур иссиқлик таъминоти манбаидаги бошланғич (совуқ) сувдаги мавжуд иссиқлик миқдори ҳисобга олинади.

61. Истеъмолчи томонидан буғ конденсати билан қайтарилаётган иссиқлик энергиясининг миқдори конденсат миқдорини, иссиқлик таъминоти манбаидаги бошланғич (совуқ) сувдаги иссиқликни ҳисобга олган ҳолда, конденсатнинг иссиқлик миқдори ва ҳароратига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

62. Истеъмол қилинган буғдаги иссиқлик энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишда конденсат билан қайтарилган иссиқлик энергияси миқдори айрилади.

## XII. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ИССИҚ СУВ ҲОЛИДА БЕРИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

63. Истеъмолчига иссиқ сув ҳолида бериладиган иссиқлик энергиясининг миқдори сув миқдорини унинг иссиқлик сиғимига, берилувчи ва орқага қайтувчи тармоқ сувларининг ҳарорати ўртасидаги тафовутга кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Очиқ сув олиш тизимида истеъмолчига иссиқ сув ҳолида етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори сув миқдорини унинг иссиқлик сиғими ҳамда иссиқ (берилаётган) ва бошланғич сувларнинг ҳарорати ўртасидаги тафовутга кўпайтмаси сифатида аниқланади, бошланғич сув ҳарорати учун ўртача ойлик ҳарорат олинади.

64. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясидан фойдаланишда истеъмолчи орқага қайтадиган тармоқдаги сувни иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида кўзда тутилган миқдорда ва шартномага илова қилинадиган ҳарорат жадвали бўйича унинг қийматидан ортиқ бўлмаган ҳарорат билан қайтариши шарт.

Истеъмолчининг иссиқлик тармоғи учун етказиб бериладиган тармоқ сувининг ҳарорати иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ҳарорат жадвалига мувофиқ сақлаб турилади.

Иссиқлик энергияси етказиб беришни тартибга солиш, кун ва туннинг ташқи ҳарорати ўртасидаги фарқ 8°C ва ундан ортиқ бўлса суткада 2 марта ва ушбу фарқ 8°C дан кам бўлса – суткада 1 марта амалга оширилади.

Тартибга солишда маиший мақсадларда ва жамоат биноларини иситиш тизимида фойдаланиладиган сувнинг ҳароратини тунги вақтда пасайтириш имконияти, шунингдек ишдан ташқари вақтда уни саноат корхоналарига етказиб берилишини қисқартириш кўзда тутилиши керак.

65. Циркуляцион сув ҳажмининг ошиши сабабли орқага қайтадиган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳарорати истеъмолчи томонидан жадвалдагига қараганда 3°C дан ортиқ миқдорда оширилган тақдирда, иссиқлик таъминоти корхонаси тармоқдаги сувнинг ўртача суткалик ҳарорати (±) 3°C дан ортиқ четга чиқмаслигига риоя қилиш шарти билан истеъмолчига иссиқлик энергияси етказиб беришни камайтиришга ёки тўлиқ тўхтатишга ёхуд берилган иссиқлик энергияси учун иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан истеъмолчи учун ҳисоблаб чиқилган ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига илова қилинган ҳарорат жадвалида кўзда тутилган ҳарорат пасайиши бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

66. Истеъмолчиларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган 40° – 45°C ҳароратдаги иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф бўйича 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

67. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари истеъмолчилар томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

истеъмолчи тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, авариялы вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

истеъмолчидан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.

Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун истеъмолчи томонидан ҳақ тўланмайди.

## XIII. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАЙТАРИЛАДИГАН БУҒ КОНДЕНСАТИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

68. Иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун буғ ҳолидаги иссиқлик энергиясидан фойдаланилганда истеъмолчилар иссиқлик таъминоти корхонасига истеъмол қилинган буғнинг умумий миқдоридан камида 95 фоиз конденсатни, технологик мақсадлар учун буғдан фойдаланилганда эса – шартномада келишилган миқдорда ва сифат билан қайтаришлари шарт.

Конденсатнинг истеъмол қилинадиган буғ миқдорига нисбатан фоизларда қайтариш меъёри ва унинг сифатини томонлар иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасини тузиш вақтида белгилайдилар.

Истеъмолчи иссиқлик манбаига қайтариши шарт бўлган конденсат миқдори иссиқлик истеъмоли тизимларининг лойиҳа маълумотларига, корхонанинг буғ-конденсат балансига мувофиқ ва буғ-конденсатни қайтариш бўйича эришилган натижаларни ҳамда мавжуд захираларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчига, унда техник имконият мавжуд бўлганда, буғ-конденсат қайтаришни кўпайтиришга йўналтирилган тадбирларни бажаришни тавсия этишга, уларни бажаришнинг истеъмолчи билан келишилган муддатини белгилашга ҳақлидир. Белгиланган муддат тугагач истеъмолчига буғ-конденсатни қайтариш меъёри таклиф этилган тадбирларни ҳисобга олиб ва кейинчалик амалдаги иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда кўпайтирилади.

69. Истеъмолчи томонидан қайтариладиган буғ-конденсат иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида келишилган миқдорга ва сифатга мувофиқ бўлиши керак.

Истеъмолчи томонидан қайтариладиган буғ-конденсат миқдори ва сифати иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасида аниқланади.

Истеъмолчи томонидан қайтариладиган буғ-конденсатнинг сифати мазкур буғ манбаида иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ишлатилаётган қозонхоналардаги таъминлаш сувининг меъёрларига мувофиқ бўлиши керак.

70. Электр станциясига сифати шартномадаги шарт-

ларга мувофиқ бўлмаган буғ-конденсат топширилганда иссиқлик таъминоти корхонаси қайтарилган буғ-конденсат миқдорига тузатувчи коэффициент жорий этади: конденсатдан буғлатгичлар, буғни қайта ишловчилар ёки иссиқлик тармоғини қўшимча таъминлаш учун фойдаланилганда – 0,8, конденсат қўшимча тозалаш учун қабул қилинганда эса – 0,5 коэффициенти қўлланади. Ифлос конденсатдан фойдаланишнинг техник имконияти мавжуд бўлмаганда ушбу конденсат дренажга оқизилади, бу ҳолда истеъмолчи буғ-конденсатни топширмаган деб ҳисобланади. Қайтарилган буғ-конденсатдаги иссиқлик энергияси миқдори ҳам иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ҳисобга олинган буғ-конденсат миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Қайтарилаётган буғ-конденсатнинг иссиқлик-техник параметрлари (миқдори, ҳарорати, ифлослик даражаси) иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасида кимёвий текшириш натижалари ҳамда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади ва икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

71. Конденсатни тозалаш қимматга тушадиган ёки унинг қайтарилиши мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда айрим истеъмолчилар, «Ўздавэнергоназорат» ДИ билан келишилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва конденсатдан ўз эҳтиёжлари учун тўлиқ фойдаланиш шарти билан иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан конденсатни қайтаришдан озод қилиниши мумкин.

Истеъмолчининг яқин-атрофида иссиқлик таъминоти корхонасининг сув билан ишлайдиган иссиқлик тармоқлари ўтган тақдирда ва бунинг учун техник имконият мавжуд бўлганда истеъмолчи иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув билан таъминлаш юкламасини буғдан иссиқ сувга ўтказиши шарт.

72. Қайтариладиган буғ-конденсатнинг миқдори ва сифати бўйича иссиқлик таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда техник экспертиза ўтказилади. Техник экспертиза истеъмолчи томонидан иккала томон вакилларидан, манфаатдор бўлмаган ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда ташкил этилади.

Агар техник экспертиза ўтказилгандан кейин томонлар келишувга эришмасалар, у ҳолда буғ-конденсатнинг миқдори ва сифати бўйича якуний қарор «Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан қабул қилинади.

### XIV. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ТЎЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

73. Иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ёзиб берилган ёки истеъмолчининг ўзи томонидан ёзилган тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

74. Тўлов ҳужжатида иссиқлик энергиясининг миқдори ёки тўлов қийматини ҳисоблашда хатолар аниқланганда, истеъмолчи бу тўғрида иссиқлик таъминоти корхонасига ариза бериши шарт.

Иссиқлик таъминоти корхонаси бу ҳолда тўлов ҳужжатидаги хатоларни тузатади. Истеъмолчи тузатиш киритилган тўлов ҳужжати бўйича ҳақ тўлайди.

75. Тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ундириш ҳуқуқидан қатъи назар, иссиқлик таъминоти корхонасида, қарзни тўлаш тўғрисида огоҳлантиришдан кейин тўламаганлиги учун, истеъмолчига иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 сентябрда рўйхатга олинган. Рўйхат рақами 1635-1.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 38-сон, 418-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аҳборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 372-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1635, 2006 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 43-44-сон, 436-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Марказий банк раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

***2009 йил 24 сентябрдан кучга киради.**

*ЎзР МБнинг 2009 йил 15 августдаги 23/4-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 14-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. 24-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Дубликат берилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган йиғим миқдорининг ярми ундирилади».

3. 25-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«микрокредит ташкилоти ижро этиш органи раҳбарининг Марказий банк томонидан қўйилган малака талабларига номувофиқ бўлиши».

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**




## МУНДАРИЖА:


✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони (кўчирма)

✓ Умумий мулк бўйича ихтилофлар сабабчиси

✓ 15 йил ва яна уч йил ўтди

✓ Электрон ҳисоблагичлар ҳозирча керак эмас

✓ Чин савдогарлик сўзи

✓ ХУМШ манфаатларини юристлар ҳимоя қилишади

✓ Ўз уйингнинг экологи ўзингсан


*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(КЎЧИРМА)**

***Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдукаримова Мавжуда Шукуровна** – Жиззах шаҳридаги «Хумо» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

***Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётганлардан қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Мавлонов Исмоил Сулаймонович** – Бухоро шаҳридаги «Гулабиён» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Нарзуллаев Жўрабой Муротович** – Сирдарё тумани коммунал фойдаланиш бошқармаси ишчиси

**Ниёзова Зулфия Абдуалиевна** – Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинсой биринчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Норматов Одилжон Туманович** – Янгиқўрғон тумани «Коммунал фойдаланиш» масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Наманган вилояти

**Шарипов Нурилла Убайдуллаевич** – Учтепа туманидаги «Дианорг сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори, Тошкент шаҳри

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 26 август.*

---

**Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди.*

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

**Биз «Норма маслаҳатчи»даги ХУМШ фаолияти масалалари бўйича чоп этиладиган материалларни диққат билан кузатиб борамиз ва ўз ишимизда уларга амал қиламиз. Бироқ баъзида қўшимча тушунтиришни талаб этадиган вазиятлар юзага келади. Уларга жавоблар ҳам уйларни бошқаришда бошқа ширкатларга фойдали бўлади деб умид қиламиз. Бизнинг бир уйлик ХУМШда 24 квартира бор, улардан тўрттаси нотурар жойларга ўтказилган ва офис сифатида фойдаланиляпти. Уйда ярим ертўла мавжуд. Унда аҳоли томонидан омборхоналар сифатида фойдаланиладиган ёрдамчи хоналар ва нотурар жойларнинг эгалари ўз ташаббусига кўра реконструкция қилинган ҳамда улар томонидан омбор ва спорт зали сифатида фойдаланиладиган бўш макон жойлашган. Турар жой ва нотурар жойларнинг эгалари умумий мулк учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиляптилар. Натижада улар ўртасида низо юзага келди, уни биз умумий йиғилишда иккала тараф Уй-жой кодекси, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун*, Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом**, ХУМШнинг намунавий устави ва ширкат билан турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги намунавий шартнома*** турлича талқин қилиниши туфайли ҳал қила олмадик. Айни шу сабабга кўра бир қатор йиллар мобайнида ширкат билан нотурар жойлар мулкдорлари ўртасида шартнома тузилмай келди. Умумий мулкдан фойдаланиш бўйича холис қарор қабул қилишга уринганимизда иккала тарафни қониқтирадиган жавобларни топа олмадик. Умумий йиғилишнинг топшириғига кўра бизни безовта қилаётган бир қатор жиҳатларни тушунтириб берсангиз.**

**С.Калмиков,**
**«Shahrigul Kommunalchi» ХУМШ бошқаруви раиси.**
**Тошкент шаҳри.**

# УМУМИЙ МУЛК
## БЎЙИЧА ИХТИЛОФЛАР САБАБЧИСИ

***Газетхоннинг саволларига «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Тошкент хусусий уй-жой мулкдорлари уюшмасининг мутахассислари жавоб берадилар.***

***ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг** (бундан кейин – Қонун) **3-моддасига мувофиқ ширкат аъзоси бўлиб турар жой мулкдори ҳисобланади. Агар турар жой нотурар жойлар сирасига ўтказилса, унинг мулкдори ХУМШ аъзоси бўлиб қоладими?***

– Агар турар жой нотурар жойлар сирасига ўтказилса, унинг мулкдори ХУМШга аъзолигини тўхтатади, чунки Қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, ХУМШ – хусусий **турар жойлар** мулкдорларининг бирлашмасидир, Қонуннинг 5, 13-моддаларига кўра эса **юридик ва жисмоний шахслар** – турар жойларнинг мулкдорлари ширкат аъзолари ҳисобланадилар.

***Уйнинг умумий мулкини тасарруф этиш бўйича қарор овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинади. ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида ҳозир бўлган нотурар жой мулкдори овоз беришда қандай ҳуқуққа эга – ҳал қилувми ёки маслаҳат берувми?***

– Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорлари ХУМШ аъзолари бўлиб ҳисобланмайдилар, бироқ улар умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир ҳамда уни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт *(Қонуннинг 6-моддаси)*. Агар уларга умумий мулк ва ер участкасини сақлаб туриш масалалари қандай ҳал қилинаётганлиги бефарқ бўлмаса, улар ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин. ХУМШ билан нотурар жой мулкдори ўртасидаги шартноманинг 2.3-бандига мувофиқ мулкдор уйдаги турар жойлар мулкдорлари йиғилишида ва умумий мулкни сақлаш бўйича биргаликда қарор қабул қилишда, шунингдек ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

***Бир неча квартирага эгалик қиладиган ширкат аъзоси умумий йиғилишда қанча овозга эга – битта ёки бир нечта?***

– ХУМШ аъзоларининг намунавий уставида *(11.8.1-банд)* назарда тутилишича, ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда битта овозга эга бўлади. Агар битта мулкдорга кўп квартирали уйдаги (уйлардаги) бир неча турар жой тегишли бўлса, у битта ширкат аъзоси ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади *(уставнинг 3.8-банди)****.

***Нотурар жой эгаси уйнинг умумий мулкида ушбу жой майдонига мутаносиб равишда улушли мулк ҳуқуқига эгадир. Яъни у натура ифодасидаги умумий мулк улуши: ёрдамчи ва ертўладаги хоналар, уй ёнидаги ҳудудга бир ўзи эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эгами?***

– Қонуннинг 29-моддасида назарда тутилишича, умумий мол-мулк жой (турар жой ва нотурар жой) мулкдорларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Қонуннинг 6-моддасида белгиланишича, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир. Бироқ жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас *(Қонуннинг 29-моддаси)*. Уйдаги умумий мулкдан ва ер участкасидан фойдаланиш мулкдорларнинг умумий улушбай мулк ҳуқуқидаги улуши миқдорига боғлиқ эмас *(уставнинг 4.7-банди)*. Шу сабабли нотурар жой эгаси ёрдамчи ёки ертўладаги хона, уй ёнидаги ҳудудда ўз улушини натура ифодасида ажратиши ва уни тасарруф этиши мумкин эмас.

**2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон Қонун.*

***Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 22-сон қарорига 2-илова.*

****Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий уставини ҳамда Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида» 100-сон қарорига 1 ва 2-иловалар.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

***Уйда яшовчилар ўз эҳтиёжлари учун ёрдамчи хоналардан бепул фойдаланадилар. Турар жой нотурар жойга ўтказилганидан кейин нотурар жой мулкдори ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдалана бошлаган омборхонани ижарага бериш учун ХУМШ билан шартнома тузиши шартми?***

– Турар жой ва нотурар жойларнинг мулкдорлари умумий мулкдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгалар. Шу сабабли бу ерда сўз ижара муносабатлари тўғрисида бориши мумкин эмас, чунки иккала тараф мол-мулк эгалари ҳисобланадилар. Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ширкат аъзоларига ёки бошқа шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин. Умумий мол-мулкнинг айрим қисмларидан фақат ўз манфаатлари учун фойдаланувчи ширкат аъзоси ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган миқдорда ширкатга ҳақ тўлаши шарт. Худди шу нарса шартномада *(2.4-банд)* ва уставда *(4.8-банд)* назарда тутилган. Омборхоналар мулкдорларнинг умумий мулкидир. Агар умумий йиғилишда сиз уларни нотурар жой эгасига мутлақ фойдаланиш учун бериш тўғрисида қарор қабул қилсангиз, бунда ҳақ тўлашнинг бир нечта варианти бўлиши мумкин. Биринчидан, ширкат мутлақ фойдаланиш учун алоҳида тўлов белгилаши мумкин (айни вақтда нотурар жой эгаси мажбурий бадалларни тўлашда давом этади) ёки у омборхонадан мутлақ фойдаланиш учун тўловни ҳисобга олган ҳолда унинг мажбурий бадаллари миқдорини кўпайтиради. Бу тўлов «бошқа даромадлар» деб ҳисобланади. Шу сабабли турар жой ва нотурар жойлар мулкдорлари мажбурий бадалларининг миқдори ушбу суммага камайтирилиши керак.

Агар нотурар жойни ижарачи олган бўлса, жой мулкдори ўзининг умумий харажатлардаги иштироки бўйича мажбуриятини ижара (аренда) шартномаси асосида жойни ижарага (арендага) олувчига ўтказиши мумкин. Жой мулкдори бундан ширкатни хабардор қилиши шарт *(Қонуннинг 30-моддаси)*. Бу ҳолда ижарага олувчи нотурар жой мулкдорига ижара ҳақини тўлайди, ХУМШ эса умумий мулкни сақлаб туришга мажбурий бадалларни киритади.

***Кўп квартирали уйда турар жой ёки нотурар жой мулкдори ХУМШ билан келишмасдан туриб уни реконструкция қилишга ҳақлими? Жойни реконструкция қилишни бошлаш учун унга қандай ҳужжатлар зарур бўлади?***

– Қонун ширкатга умумий мулкни лозим даражада сақлаб туришни таъминлаш учун қўшимча имкониятлар беради. Агар турар жой ёки нотурар жой мулкдори уни реконструкция қилса, ХУМШ ширкат аъзолари умумий йиғилиши белгилаган тартибда *(Қонуннинг 19-моддаси)* қайта қуришни (ўзгартириш, қайта жиҳозлашни) келишиб олишни амалга оширади *(Қонуннинг 15-моддаси)*. Уставнинг 6.2-банди ҳам ширкат аъзоларининг ушбу талабларга риоя этишини белгилайди. Ўзбошимчалик билан қайта қурганда (ўзгартириш, қайта жиҳозлашда) ХУМШ аъзоси ушбу жойларни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатга келтириши керак. Шартноманинг 2.4-банди мулкдор зиммасига худди шу мажбуриятни юклайди.

Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди турар жойларда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойларни бошқа мақсадда қайта жиҳозлаш ва қайта жойлаштириш бинонинг конструктив схемасини ва муҳандислик коммуникацияларини бузмаган, бинонинг олд кўриниши ва ташқи қиёфасини, муҳандислик коммуникацияларини ёмонлаштирмаган ҳолда бинонинг шинамлигини ошириш мақсадидагина амалга оширилиши мумкин ҳамда бинонинг кўтариш қобилияти ва зилзилага бардошлилигини пасайтирмаслиги кераклигига йўл қўяди. Кўрсатиб ўтилган ишлар давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин. Яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг бошқа мақ-



садлар учун мўлжалланаётган қайта қурилиши, қайта жойлаштирилиши ва мослаштирилиши лойиҳаси ёнғинга қарши муҳофаза органлари, лойиҳа ташкилоти, меъморчилик ва шаҳарсозлик органлари ҳамда меъморчилик-шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиш устидан давлат назорати органлари билан келишилиши зарур.

***Кўп квартирали уйлар биринчи қаватларидаги нотурар жойларнинг мулкдорлари кўпинча уйнинг олд қисмини ўз хоҳишлари асосида реконструкция қилиб, бундан нафақат бинонинг ташқи кўриниши, яшовчиларнинг манфаатлари ҳам азият чекишини ҳисобга олмайдилар. Иккинчи қаватларнинг деразалари остидаги бостирманинг металл томидан келадиган ёмғир шовқини ухлашга халақит беради, томда тўпланган хазонлар ва лой деразадан кўринадиган манзарани жозибасиз қилади. Нотурар жойларнинг мулкдорлари уйнинг олд қисмини ўзгартириш лойиҳасини ХУМШ билан келишишлари шартми? Реконструкция қилиш ҳужжатларини келишиб олиш тартиби қандай?***

– Намунавий уставнинг 4.2-бандига мувофиқ уйнинг фасади элементлари бўлган умумий мулкнинг қисмлари – турар жой ва подъездларнинг фасад ойналари, уйнинг подъездига кириш эшиклари, балконлар, фасадни безаш материаллари умумий мулкка киради. Фасаднинг нотурар жой мулкдорлари томонидан реконструкция қилиниши уларнинг ушбу мулкдан фойдаланиши турларидан биридир. Улардан фойдаланиш тартибини, умумий мулкнинг айрим қисмларидан фақат ўз манфаатларида фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни ҳам, мулкдорларнинг умумий йиғилиши белгилайди.

***Қонунга кўра мулкка эгалик кадастрда рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунинг учун зарур ҳужжатлардан бири – уйнинг инвентарь паспорти, у уйни тезкор ва истиқболли ўзгартириш ҳамда бошқариш учун асос ҳисобланади. ХУМШга қадар умумий мулкнинг аввалги мулкдори ширкат тасаррруфига уй билан бир вақтда унинг инвентарь паспортини ҳам бериши шартми?***

– Агар уйнинг инвентарь паспорти уй ажралиб чиққан ХУМШда бўлса, катта ширкат уни янги ширкатга бошқа ҳужжатлар билан бирга топшириши шарт. Бироқ кўп ширкатларда инвентарь паспортлари мавжуд эмас. Бунда ширкат илгари инвентарь паспортлари сақланган ҳудудий коммунал-таъмирлаш-авария-тиклаш хизматига (КТАТХ) мурожаат қилиши керак. Агар паспорт у ерда ҳам бўлмаса, Ер тузиш, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр туман бўлимига ёки «Тошуйжойлойиҳа»га уни тиклаш илтимоси билан мурожаат қилиш лозим.

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

Бизга ёзган эдингиз...

# 15 ЙИЛ ВА ЯНА УЧ ЙИЛ ЎТДИ



***Мен 1993 йилда Чирчиқда доимий яшаш учун Россияга кетган аёлдан бир хонали квартира сотиб олдим. Кетаётганида у менга ишончнома ва квартира олди-сотдиси шартномасини расмийлаштиришга оила аъзоларининг розилигини юборишни ваъда қилди. Бироқ бутун шу вақт ичида у бирор марта ҳам келмади ва менга ваъда қилинган ҳужжатларни юбормади. Шу боис мен ҳозиргача квартирани ўз номимга расмийлаштира олмаяпман. Адвокатларга ушбу масала бўйича мурожаат қилганимда улар 15 йил кутишимни маслаҳат беришди, шунча вақтдан сўнг квартирани суд орқали ўзимга расмийлаштиришим мумкин экан. Юристларнинг айтишича, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат деган тушунча бор экан. Мен судга ана шундай муддатга асосланиб мурожаат қила оламанми? Сизларнинг маслаҳатингизга жуда ҳам муҳтожман, чунки газетангизда уларни умумэътироф этилган юристлар беришади.***

**Хурмат билан И.Волгина.**

– Кўчмас мулк жумласига, Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 83-моддасига кўра, ер (шу жумладан бинолар, иншоотлар ва ҳоказо) билан узвий боғланган, яъни белгиланган мақсадга номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради. Уларнинг ҳаммаси ФКнинг 187-моддасига асосан, башарти **мол-мулкнинг мулкдори бўлмаган шахс кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган бўлса**, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тартибида мулк сифатида олиниши мумкин. Бунда **эгалигидан** Фуқаролик кодексига мувофиқ **талаб қилиб олиниши мумкин бўлган шахсдаги ашёларга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат** мулкдор ўзининг мол-мулкини талаб қилиб олиши мумкин бўлган, **уч йилни ташкил этадиган даъво қилиш муддати тугамасидан ҳисобланади.**

Баён этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек мулк ҳуқуқи ҳамда вужудга келиши, ўтиши, чекланиши ва тугатилиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган кўчмас мулкка доир бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳисобга олиб, мулк эгаси суд орқали мол-мулкка ўзининг каби ҳалол, ошкора, узлуксиз эгалик қилганлик далилини аниқлаши лозим. Мулк ҳуқуқини эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тартибида олиш учун аввало мол-мулкка эгалик қилишнинг бир қатор шартларига риоя қилиш зарур.

Даставвал мол-мулкка ҳалол эгалик қилиш керак. Бинобарин, ҳақиқий мулк эгаси, масалан, бошқанинг мол-мулкини унинг мулкдори хоҳишидан ташқари қасддан эгаллаб олган (масалан, уни ўғирлаган ёки фирибгарликлар ёхуд бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар натижасида эгаллаб олган) шахс бўлмаслиги керак.

Бундай эгалик қилиш ошкора, яъни атрофдаги барча шахслар учун очиқ-ойдин ҳам бўлиши керак. Мол-мулкка эгалик қилиш далилини яшириш ёки сир тутиш мазкур талабни бузиш ҳисобланади. Бироқ бундан эгалик қилувчининг атрофдагиларга эгалик мавжудлиги тўғрисида махсус хабардор қилиш мажбурияти келиб чиқмайди.

Бундан ташқари, эгалик қилувчи тегишли мол-мулкка ўз мулкидек муносабатда бўлиши (бунда нафақат ундан фойдаланиш, балки мол-мулкни яроқли ҳолатда сақлаб туриш учун зарур чоралар кўриш ҳам назарда тутилади), шунингдек тегишли солиқлар, коммунал ва бошқа харажатларни тўлаши керак.

Шунингдек белгиланган муддат давомида узлуксиз эгалик қилиш шартига риоя этилиши керак (бунда эгалик қилиш муддатини важ қилиб келтирадиган шахс, ФК 187-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг, масалан, унинг мерос қолдирувчисининг бу мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин).

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат масаласи суд тартибида кўрилганида юқорида кўрсатилган шартларга риоя этилиши далили сифатида иш материалларига муайян давр учун солиқлар ва коммунал хизматлар ҳақи тўланганлиги тўғрисида квитанциялар, мол-мулкка доир харажатлар далилларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, гувоҳларнинг кўргазмалари ва бошқа тасдиқлаш далиллари қўшиб қўйилиши мумкин.

***Светлана СИЛИВАНОВА,***
***«Norma Hamkor» МЧЖ юрист-эксперти.***

Расмий жавоб

# ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР ҲОЗИРЧА КЕРАК ЭМАС

***Менинг квартирамда «13 ГХУ G-1,6» газ ҳисоблагичи ўрнатилган. Унинг кўрсаткичларига қараб иш ҳақидан пул ўтказиш йўли билан мунтазам ҳақ тўлаб келаман. Бироқ кейинги вақтда ҳар куни шаҳар газ идораси инспектори келиб, уни бошқа ҳисоблагичга – ўзи номлаганидек «олтилик»ка алмаштиришни талаб қилмоқда. Бироқ уйдаги ҳисоблагич бузилмаган, ишлаб турибди, нега уни алмаштириш керак? Айни вақтда у бир-икки йилдан кейин улар электрон ҳисоблагичларга алмаштирилади дейди. Шундай бўладими? Кўплар ҳали кредит бўйича ўз ҳисоблагичлари ҳақини тўлаб улгурмаганлар, бу ерда эса янгилари тайёр бўлиб турибди.***

**Н.Миргаязова.**
***Жиззах шаҳри.***

– «Ўзтрансгаз» АК фуқаро Н.Миргаязованинг газ ҳисоблагичларини алмаштириш масаласи бўйича хатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади. Ҳозирги вақтда «Ўзтрансгаз» АК аҳолининг уйларида ўрнатилган газ ҳисоблагичларини электрон ҳисоблагичларга алмаштириш талабини қўймаяпти, улар тажриба тариқасида Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ва пойтахтнинг Бектемир тумани аҳолисининг уйларида ўрнатилган.

Агар механик ҳисоблагич соз ҳолатда бўлиб, Ўзстандартнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлса, истеъмолчи ундан фойдаланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда аризачининг ҳеч қандай эътирози йўқ, бу ҳақда тегишли маълумотнома берилди.

***Б.ОМОНОВ,***
***«Ўзтрансгаз» АК бош директорининг ўринбосари.***

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

# ЧИН САВДОГАРЛИК СЎЗИ

***Адлия вазирлиги Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертизаси марказининг суд-иқтисодий (бухгалтерия) экспертизаси бўлими раҳбари Нина СЕРДОБИНЦЕВА билан бугунги суҳбатимиз мавзуси шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўлди.***

Бундан юз йилча аввал амал қилган «чин савдогарлик сўзи» нотариал тасдиқланган контракт ўрнини босган ишбилармон кишининг хулқ-атвор қоидалари бугунги кунда, афсуски, амал қилмаяпти. Қадимда ёзма контрактларни аҳолининг ғоятда оз қисми қўлларди (тўғри, савдо-сотиқ кенг миқёсда амалга оширилар, хизматлар ҳам кўрсатиларди, ривожланиш ҳам яққол кўзга ташланар эди). Ҳозир эса аҳолимиз ялпи саводхон, бироқ экспертлар ҳуқуқий саводсизликка борган сари катта ташвиш билан эътибор қаратяптилар).

Ажиб ҳолат, бизда ҳам ҳеч нарсага ишонмаслик механизмини қўллайдиган пухта ишловчи капиталистлардаги каби ҳамма нарса бордек: тўлдириладиган тоғ-тоғ қоғозлар, тартибга солувчи ва назорат қилувчи органлар олдида барча турдаги зарур ҳисоботлар, таъкидланадиган бандларининг сони оғишмай кўпайиб бораётган икки ва кўп тарафлама шартномалар… Афсуски бундай эмас!.. Судларда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ даъволар оқими камаймаяпти. Чамаси, ишбилармон кишилар қадимда қўрқадиган виждондек олий ҳакам замондошларимиз хатти-ҳаракатларини белгиламай қўйган. Бироқ, Нина Александровнанинг фикрича, судлашув истиқболидан қочишда ёрдам берадиган воситалар мавжуд.

– Биринчидан, шуни яна бир маротаба эслатишни хоҳлардимки, қонунларни билмаслик, хусусий шахс учун ҳам, исталган мулкчлик шаклидаги ташкилот учун ҳам, муқаррар равишда уларнинг манфаатларини камситишга олиб келади. Бу эса аксарият ҳолларда пул йўқотишга сабаб бўлади. Бундай ҳолларга тўқнаш келганимизда жабрланганлардан: «Сиз доимо пул йўқотиб юришга розимисиз?» – деб сўрагим келади. Жавоб равшан: «Йўқ». Бўлмаса нима учун бир марта йўл қўйган хатоингизни яна такрорлаяпсиз?! Албатта, саволимга жавобнинг қандай бўлиши равшан, бироқ навбатдаги шартномани имзолашдан аввал у ўқиб чиқилганида, юридик жиҳатдан саводли тузилганлиги, унда келишувнинг барча зарур жиҳатлари ҳисобга олинганлиги, муддатлар, шартлар, тўлаш усули қайд этилганлиги текширилганида кейин судларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўғри келмас эди. Бундай ҳолларда калта ўйлаш нималарга олиб келишини бўлимимиз экспертлари текшириб чиққан ишлар материаллари билан танишганда кўриш мумкин.

## БИР ТАРАФ АЙЁРЛИК ҚИЛСА

– Қизиқарли ва анчагина ибратли ишлардан бирини олиб кўрсак, – дейди республика суд эксперт-бухгалтерларининг раҳбари. – У нафақат шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар масалаларида баъзи раҳбарлар тайёргарлигининг паст даражада эканлигини, балки ўзларининг пухта ўйланмаган ҳаракатлари оқибатларини оддийгина ҳисоблашга қодир эмасликларини ҳам намоён этади.

Тошкентдаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан (ХУМШ) бири коммунал тўловларни йиғиш масаласини тубдан ҳал қилмоқчи бўлган. N адвокатлик фирмаси унга ўз хизматларини таклиф этиб, пул тўламаган фуқаролардан қарзларни ундириб беришни ваъда қилган. ХУМШ раиси фирма билан танишиб, ходимларнинг серғайратлиги, уларнинг юридик маълумотидан мамнун бўлди.

Узоқ давом этмаган музокаралар натижасида 2006 йил бошларида юридик хизматлар кўрсатиш шартномаси тузилди. Фирма ўзининг уддабуронлигини дарҳол намойиш этиб, шартномани соддагина ва қисқа тарзда расмийлаштирди: бўлғуси ҳамкорларнинг расмий муносабатларини расмийлаштирадиган ҳужжатнинг матни, аҳдлашувчи тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари бор-йўғи ярим саҳифани эгаллаган. Унда ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича хизматларнинг қиймати – йилига ярим миллион сўмни ташкил этиши ҳам қайд этилган. Ҳамкорларнинг асл юзини ХУМШ раҳбарияти ўзи учун анча кейинроқ кашф этди. Ҳозирча эса, қоғозда мавҳум равишда «юридик хизматлар кўрсатиш» (амалда пул тўламаган фуқаролардан ҳақ «ундириш» хизматлари) деб таъкидланган шартномани имзолаб, ширкат раҳбарияти мақбул натижаларни кута бошлади.



***Бизнинг маълумотнома***
***Нина Александровна Сердобинцева.*** *Малакали эксперт-иқтисодчи. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертизаси марказида 1982 йилдан буён ишлайди, сўнгги ўн тўққиз йил давомида суд-иқтисодий экспертизаси бўлимига раҳбарлик қиляпти.*

Бироқ янги ҳамкорларнинг иш натижалари нимагадир кўзга ташланавермади. Тўғри, тарафлар бажарилган ишларнинг бирор-бир далолатномаларини расмийлаштиришга уринмасалар ҳам, уларга ҳақ ўз навбатида тўлаб борилди. N фирмаси ходимларидан бири ҳар ойда бир маротаба ширкатга келган ва унга кассадан муайян нақд пул суммаси берилган. Бунда ҳеч қандай ёзма ҳужжатлар тузилмаганлиги боис умуман битим мақсадига эришилганлиги, яъни қарзлар узилганлиги масаласи сир бўлиб қолади. Ҳар ҳолда нимагадир эришилган

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

бўлса керак, бироқ бу ХУМШни қониқтирадиган суръатда кечмаган, чунки сал кейинроқ раҳбарият яна бир, энди ҳар ойда пулга келадиган N фирмаси ходими билан ... N адвокатлик фирмаси хизматларини такрорлайдиган (!) ишни бажариши хусусида меҳнат шартномаси тузган.

***– Нима учун? Наҳотки ХУМШ аъзоларининг пулларини фойдалироқ нарсаларга сарфлаш мумкин бўлмаган бўлса?***

– Бу саволни менга эмас, балки ХУМШ раҳбариятига бериш керак, бунинг устига ушбу воқеалар иш бизга, экспертизага келиб тушишидан анча олдин юз берган. Дарвоқе, бундай қадам қўйишга қарор қилганда ширкат раҳбарияти нимани ўйлаганлиги мен учун ҳам топишмоқ.

***– Бундан келиб чиқадики, виждонли фуқаролар умумий мулкни сақлаб туришга тўлаган пуллар мақсадга қараб сарфланган эмас?***

– Шундай бўлиб чиқади. Иш материалларидан равшанки, раҳбарият аҳолининг маблағларини умуман олганда жуда эркин ва, очиғини айтиш лозим, масъулиятсизлик билан тасарруф қилган. Молиявий маблағлар билан ишлаганда бунга тамомила йўл қўйиб бўлмайди. Шартномада бажарилаётган ишнинг хусусияти тўғрисида ҳатто сўз юритилмаган. Аслида эса нима учун (ҳажм, муддатлар, асос, яъни бажарилган ишларнинг имзоланган далолатномаси мавжудлиги) ва қандай ҳақ тўланиши кераклиги (юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар одатда нақд пулсиз шаклда амалга оширилади, бу эса даромадларни солиқ солинадиган базага киритиш, уларнинг легаллиги, солиқлар тўланишини кафолатлайди – ***муаллиф изоҳи***), тарафларнинг мажбуриятлари, жарима санкциялари, шартноманинг амал қилиш муддати ва ҳоказолар бандма-банд кўрсатилиши керак.

***– Иш метариалларидан амалда ана шу барча мажбурий бандлар эътиборга олинмаганлиги кўриниб турибди. Бу ҳолат жуда ажабланарли, чунки иккинчи тараф профессионал юристлар бўлиб, улар қонунга риоя этишлари керак эди...***

– Албатта. Айни шу нарса шартнома тузган раҳбарни ташвишлантириши лозим эди. Бироқ у ўз имзосини шунчаки қўйиб, пул тўлашга рози бўлган, бори шу. Айтмоқчи, унинг омади бор экан, юридик хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартноманинг амал қилиш муддати хусусида банд ҳар ҳолда бўлган. Бу эса ХУМШни адвокатлик фирмасининг бўлғуси қўшимча даъволаридан халос қилган. Бироқ бу ҳақда кейинроқ сўзлаймиз.

## «ИШЛАМАГАН ТИШЛАЙДИ»

Биз N адвокатлик фирмасининг ўриндошлик бўйича ХУМШга юрисконсульт сифатида ишга кирган ходими тўғрисидаги суҳбатга қайтамиз. Архивдан олинган ушбу ишдан кўринадики, ХУМШда бебилиска пул манбасини топганлигини тушунгач, у ... ширкат учун «ҳисоблагич» қўйишга аҳд қилган. Мазкур ҳолда ушбу иборанинг маъноси шундан иборатки, Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига асосланиб, юрист ХУМШга «бошқаларнинг маблағларидан фойдаланганлик учун» тўловнома тақдим этди. Бу ишни у ғоятда оддийгина ҳал қилган: ой тугагач, 1-санадан бошлаб юрист Марказий банкнинг такрорий молиялаш ставкасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ушлаб турилган иш ҳақидан фойдаланилганлиги учун пеня ҳисоблаб ёза бошлаган. У ўзининг ҳаракатларини шундай деб тушунтирган: «Январь учун иш ҳақини биринчи февралда менга бермадингиз, демак пулларимни айлантиряпсизлар». Унинг ҳисоб-китобларига кўра шу тариқа қарийб 800 минг сўм тўпланиб қолган. Барча зарур ҳужжатларни тўплаб, у ХУМШ айби билан етказилган моддий ва маънавий талафотларни қоплаш талаби билан судга даъво аризаси топширган. Айни вақтда N адвокатлик фирмаси ҳам судга ариза топшириб, унга 2007 йил учун хизматлари ҳақини тўлашни талаб қилган.

***– Унга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун асос бор эдими? Сўрашимга сабаб, унинг фирмаси ХУМШ олдидаги мажбуриятларини қандай бажарганлиги маълум...***

– ХУМШ билан унинг юрисконсульти ўртасидаги муносабатлар аввалбошдан мураккаб кечди. Ширкатда янги ходимга эътирозлар бор эди, чунки у ўз мажбуриятларини бажармади. Бироқ омилкор юрист ҳар ҳолда пул «ундириш»га уста эди.

Нина Сердобинцеванинг айтишича, 2006 йил давомида юрисконсульт ўз вақтида пул ундириб борган. Қарздорлардан эмас, балки янги иш берувчидан ундирган. Ишда бўлмаганлиги учун табелда иш кунлари қўйилмаганлиги далили мантиқан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиши керак эди. Бироқ негадир бундай бўлмади. Бунинг устига, бажарилмаган иш учун пулни унга, гарчи анча кечикиб бўлса ҳам, беришган (!) Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ана шундан гувоҳлик беради. «Қонунчи» лавозим вазифаларини бажармаганлиги учун даъволари бўлган норози раҳбариятдан ҳақ тўлашни талаб қилган (!), натижаларга эришишни ваъда қилиш баробарида таҳдид қилиш ҳамда қонунлар ва меҳнат қонунчилигини бузишда айблашдан ҳам тоймаган. Сиқувга бардош бермаган ХУМШ раиси «таслим бўлган» ва юрист ҳамёнига 1-2 ой учун ишлаб топилмаган иш ҳақи тушаверган. 2006 йил ана шундай ўтди. Унда меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тўғрисида ҳеч нарса айтилмагани боис, кириб келган йилда тарафларнинг ҳар бири яхшилик сари ўзгаришларни кутган. Мисол учун, ХУМШ товламачи юристдан халос бўлишни умид қилган. Қарши тараф нимадан умидвор бўлганлиги судда эълон қилинган, унга 2007 йил учун иш ҳақи тўланмаганлиги сабабли маънавий ва моддий талафотларни тўлаш тўғрисида даъводан кейин тушунарли бўлди. Ўзининг бутунлай жазосиз қолишига ишониб (буни 2006 йилда амалиётда текшириб), у судга даъво аризаси топширди. Иш ҳақи берилиши тўғрисида у тақдим этган ҳужжатлар унга қўл келиб, ХУМШ раҳбарияти унинг ўз мажбуриятларини бажарганлигини тан олиши бобида билвосита далил



*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*



бўлиб хизмат қилди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қилинмаган иш учун ким ҳақ тўларди?

### ПУЛЛАРНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

***– Нина Александровна, пировард оқибатда ХУМШ ўзининг юридик саводсизлиги туфайли қанчага тушди?***

– Буни суд ҳал қилди. Бироқ биз ўз олдимизга қўйилган вазифани бажардик. Биринчи навбатда даъвода кўрсатилган барча ҳисоб-китобларнинг қонунчилик меъёрларига тўғри келишини таҳлил қилдик. Эсингизда бўлса, даъвогар ой тугагач, биринчи санадан бошлаб Марказий банкнинг такрорий молиялаш ставкасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ушлаб қолинган иш ҳақидан фойдаланилганлиги учун пеня ҳисоблаб ёзишни бошлаган. Бироқ ҳеч бир қонунда ишланган ой учун ҳисоб-китоб кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб амалга оширилиши керак деб ёзилмаган. Иш ҳақини беришнинг белгиланган санаси бўлмагани учун биз асос сифатида 10-санани олдик ва шундан келиб чиқиб даъвогар томонидан ҳужжат билан тасдиқланган барча ушлаб туриш муддатларини ҳисоблаб чиқдик. Натижада даъво суммаси деярли икки баравар қисқарди.

Афсуски, иш материалларида ХУМШ раҳбариятининг даъвогар лавозим вазифаларини бажармаганлиги тўғрисидаги важлари ўз тасдиғини топмади. Бўш табель иш ҳақи бериш тўғрисидаги ҳисоб-китоб-касса ҳужжатлари олдида ўз аҳамиятини йўқотди. Бироқ N адвокатлик фирмасининг унга 2007 йилда юридик хизматлар учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги даъволари асосга эга эмаслиги боисидан қондирилмади. Шартноманинг кичкинагина матнида, бахтга кўра, ҳужжатнинг амал қилиш муддати учун жой топилган экан. «2006 йилнинг 31 декабригача» – ушбу жумла фуқароларнинг тўловларидан тўпланган 500 минг сўмни ширкат раҳбарияти талон-торож қилишидан сақлаб қолди.

Марказ экспертлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунни бузганлиги ва шартномаларни расмийлаштириш талабларига риоя этмаганлиги тўғрисида ХУМШ ва N адвокатлик фирмаси номига хусусий ажрим чиқариш ҳақида судга тавсиялар тайёрладилар.

***– Бироқ 2006 йилда адвокатлик фирмаси хизматларига нақд пул тўлаш, моҳиятига кўра, унинг даромадларини яширишдир, зеро фирма уларнинг келиб тушишини ҳеч қандай тарзда расмийлаштирмаган, солиқ солиш базасига киритмаган. Бундан солиқ хизмати хабардор бўлганида хазинага тушмаган тўловлар миқдорини аниқлар эди...***

– Буларнинг ҳаммаси тўғри. Агар ХУМШ раҳбарияти товламачиларни ўзига тортган юридик саводсизлик, юмшоқлик ва иш юритишдаги чалкашлик сингари бир талай камчиликларга эга бўлмаганида эди, адвокатлик фирмасининг даромадларидан солиқлар қонун билан белгиланган меъёрларга мувофиқ тўланган бўлар эди. Фуқаролардан йиғилган тўловлар эса, суднинг ҳал қилув қарорига кўра уддабурон юрисконсультга тўланган компенсациялар сингари, ширкат эҳтиёжларини таъминлашга сарфланар эди.

***– Раҳмат, Нина Александровна, ушбу нохуш воқеа газетхонларимизни ўйламай қилинадиган ҳаракатлардан сақлаб қолади ва қандай бўлса ҳам, битимларни тузишга эътиборлироқ бўлишга мажбур қилади деб ўйлайман.*** **O**

*P.S. Эксперт билан хайрлашдим, бироқ бир савол менга тинчлик бермади: ҳар ҳолда «чин савдогарлик сўзи» буткул йўқолиб кетмагандир. Зеро бизни ана ўша савдогарлардан бор-йўғи уч авлод ажратиб турибди. Эҳтимол, ҳамма қонундан ташқари ҳаракат қилиш мумкин эмас деган фикрга ўрганганда яна шартномани тасдиқлайдиган чин сўзга ишониш мумкин бўлар? Бу масала психологларга ҳавола...*

***Эльвира ЯГУДИНОВА.***
***Муаллиф олган сурат.***

# ХУМШ МАНФААТЛАРИНИ ЮРИСТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

***Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг Тошкент шаҳар уюшмасида юридик хизмат ишлай бошлади. Унинг мақсади – ҳуқуқий тусдаги масалаларда ХУМШ раҳбарлари, кўп хонадонли уй-жойларда тураржойлар мулкдорларига, шунингдек ширкатлар фаолиятига жалб этилган бошқа тузилмаларга кўмак беришдир.***

Малакали юристлар кўрсатишга тайёр хизматлар доираси анча кенг, яъни: мажбурий бадаллар бўйича қарзларни ундиришда ёрдам бериш, суд органларида ХУМШ номидан вакил бўлиш, суднинг ҳал қилув қарорлари ижросини назорат қилиш, ширкатлар аъзолари уюшмага мурожаат қилганларида маслаҳатлар бериш. Юридик хизматнинг фаолият соҳасига ширкатлар билан коммунал хизматлар етказувчилари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, бошқа тузилмалар ўртасида низо вужудга келганида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳам киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, юридик хизмат ҳал қилишни режалаштирган кўп масалалар пойтахт ширкатлар уюшмасининг вазифаси эди. Мазкур хизмат ХУМШ туман уюшмалари, ширкатларнинг раҳбарлари ва аъзолари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун ахборий-маърифий, маслаҳат бериш, таълим бериш маркази ҳисобланади.

Юридик хизматнинг ташкил этилишини ушбу фаолиятга янги омил бағишлаш, уни янги даражага кўтариш зарурати тақозо этган. ХУМШларнинг кўп раҳбарлари ва квартира мулкдорлари кўп хонадонли уй-жойда умумий мулкни сақлаб туришда вужудга келадиган муайян муаммоларни қандай ҳал қилишни билмайди. Кўпинча улар судга даъво аризасини тўғри тузиб бера олмайдилар, зарур ҳужжатларни йиға олмайдилар, уларда суд муҳокамаларида иштирок этиш тажрибаси йўқ. Энди бу иш билан доимий асосда профессионал юристлар шуғулланадилар.

**Тошкент ХУМШ уюшмасининг юридик бўлимига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 227-00-38; 227-00-26; 227-00-29.**

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

# ЎЗ УЙИНГНИНГ ЭКОЛОГИ ЎЗИНГСАН

***Квартирани сотиб ёки ижарага олиш тараддудида бўлсангиз, унинг экологик жиҳатдан хавфсиз эканлигини ҳам ўйлайсиз. Одатда квартирани тавсия этаётганлар ўша туманнинг экологик жиҳатдан мақбуллиги хусусида ахборот бериш билан чекланадилар. Тўғри, мутахассисларни чақириб квартирани экспертизадан ўтказиш мумкин, лекин бу чиқим талаб қиладиган иш. Дарвоқе, айрим муҳим экологик кўрсаткичларни ёрдамчи воситалар кўмагида ўзингиз аниқлашингиз мумкин.***

## УЙНИ ШАМОЛЛАТИБ, ҲАВОСИНИ ТОЗА ТУТИШ

Квартиранинг ички мақбул экологиясининг муҳим шартидир. Хоналарда карбонат ангидридгина эмас, балки тоза ҳаво борлиги ҳам шунга боғлиқ. Ҳар хил мебеллар ва пардозлаш мате-



риалларидан чиқадиган зарарли моддаларнинг одамга хавф туғдирадиган даражада тўпланиб қолиши ҳам шунга боғлиқдир.

Шу сабабли турар жойни кўраётганда вентиляция, яъни ҳаво айланадиган, симтўр тутилган туйнук бор-йўқлигини дарҳол суриштиринг. Олдинроқ қурилган уйларда ҳар бир хонада вентиляция шахталари бўларди. Агар биринчи бор кўздан кечираётганингизда деворларда юқорида айтилган туйнук кўринмаса, билингки, квартиранинг олдинги эгалари гулқоғоз ёпиб уни беркитиб юборишган. Симтўр тутилган туйнукни топгач, у ҳавони тортадими-йўқми, текшириб кўринг. Бунинг учун туйнукнинг олдига шам ёки зажигалкани ёндириб тутиб туришнинг ўзи кифоя. Агар ҳаво тортаётган бўлса, аланга туйнук тарафга эгилади, тортиш кучи яхши бўлса, ётиқ, мувозий тарзда ёна бошлайди. Борди-ю, аланга тик ёниб тураверса, билингки, ҳаво айланадиган туйнук беркилиб қолган. Қўшнилардан биронтаси вентиляция шахтасини совутгич учун тахмон қилиб олган бўлса ҳам эҳтимол.

Туйнукда ҳаво яхши айланмаганлиги оқибатида намлик даражаси ортиб кетиши мумкин. Уни гигрометр ёрдамида ўлчаш мумкин. Одам учун энг мақбул намлик 45-60 фоиз атрофида бўлади. Намликнинг нормадан ортиқ бўлиши, айниқса 75 фоиздан ошиши одамнинг кайфиятига, ҳолатга салбий таъсир этади, ҳамма ерни моғор босишига олиб келади. Намликнинг нормадан паст даражада бўлиши ҳам ёмон. Агар унинг даражаси 45 фоиздан пасайиб кетса, одам ўзини беҳол сезади, толиқади, оғзи қурикшийди. Бунинг устига ҳавода чанг кўпаяди, мебеллар қуриб, фенол ва формальдегидларни кўпроқ чиқара бошлайди.

## ХОНАКИ ЛАБОРАТОРИЯ

Квартирадаги ҳаво таркибини, афсуски, мустақил тарзда ўлчаб бўлмайди. Ҳатто тажрибали эколог ҳам квартирага шундоқ назар ташлаб, унда, айтайлик, фенол миқдори ошиб кетганлигини чамалай олмайди. Бунинг учун ҳаводан намуна олиб, уни лабораторияда текшириб кўриш керак. Аммо ҳаводаги нисбатан хавфли ифлослантирувчи моддани – симоб буғларини аниқласа бўлади. Эски уйларда бундай буғлар, агар квартирада бир пайтлар иситма ўлчагич синиб қолиб, симоб золдирчалари паркет орасига кириб кетган бўлса, анча кўп даражада йиғилиб қолган бўлиши мумкин. Хавфли буғлар бор-йўқлигини кимёвий реактивлар дўконида сотиладиган махсус индикатор қоғоз ёрдамида ўлчаш мумкин. Бундай текширув ибтидоий усул бўлиб кўринса-да, номатлуб моддалар белгиланган нормадан ортиқча жамланганлигини аниқлаб беради.

Ҳавода азот оксиди борлигини аниқлайдиган шунга ўхшаш индикаторлар ҳам бор. Водопровод суви таркибини эса маркерлар ёрдамида текшириш мумкин. Индикатор қоғоз сув таркибида хлор белгиланганидан ортиқча жамланган-жамланмаганлигини аниқлаб беради. Шуни унутмаслик керакки, водопроводдан тушаётган сув лойқасимон бўлса ёки ундан ёқимсиз ҳид анқиса, квартирани сотиб олиш фикридан қайтишингизда далил бўлади.

Электромагнит майдон муҳим экологик омиллар сирасига киради. Бундай майдон билан мулоқот кўнгилсиз оқибат-



ларга олиб келиши, бинобарин бош оғриб, ортиқча толиқиш ҳис этишдан саратон касалликлари ривожланишигача бўлган кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Квартирада электромагнит майдон белгиланганидан кўпроқ миқдорда бўлишида асосий манба бир-бирига ўралиб, чигал бўлиб ётган ёки нотўғри ўтказилган симлардир. Эски уйларда баъзан симларнинг хона бўйлаб салқи қилиб ўтказилганлигини кўриш мумкин. Шу ҳолатда туришининг ўзи хатарлидир, қанчалик хатарли эканлигини фақат мутахассис баҳолай олади. Электромагнит майдон нормативдан ортиқ бўлишига пол остида электр ёрдамида иситиш тизими ҳам таъсир ўтказади. Агар унинг конструкцияси ягона иситиш элементи тарзида бажарилган бўлса, янада хатарлидир. Турар жойнинг экологияси ҳақида сўз борганда, радиацияни ҳам унутмаслик зарур. Унинг озгина миқдорда бўлса ҳам хавф солиши ҳақида одамлар ўртасида тарқалган гапларда муболаға бор деб қаралса-да, жажжи, кўчма дозиметр ёрдамида умумий радиоактив ҳолатни ўлчаттириш фойдадан холи эмас.

***Хорижий матбуот материаллари асосида.***

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

# top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 40 (221) 2009 йил 5 октябрь

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

---

AAA SANAY Co.Ltd

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## К А Ф Е Л Ь

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33, Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

pr_8-01-01

---

## МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасда
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

---

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

## "AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИҲдан ортиқ

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23, 294-77-48

---

## КАНЦТОВАРЛАР

улгуржи

Alterna
ҳаммаси уй ва офис учун



- ҚОҒОЗ
- ФАКСЛАР
- ТЕЛЕФОНЛАР
- ТАШК.ТЕХНИКА
- МЕБЕЛЬ

245 33 77
245 77 88
378 30 18

буюртмага

3 турдаги тўлов

Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўч., 6А
www.alterna.uz

Н 2320

---

## "BEHZOD YUM" XK

2000 дан ортиқ номдаги товарлар

Канцелярия ва хўжалик товарлари

Улгуржи ва чакана савдо



pr_9-08-01

Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

---

## TOSOL АНТИФРИЗ

"TOSOL-N" МЧЖ

Музламайдиган, совутувчи суюқликни тўғридан-тўғри етказиб бериш

А-30, А-40, А-65 ва АМ-концентрат

1, 2,5, 5 кг лик канистралар, 200 кг лик бочкаларда



ТЎЛОВ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ВА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР БИЛАН

*Сақлаш муддати–5 йил*

Товар патентланган ва сертификатланган

"TOSOL-N" МЧЖ – TOSOL-антифризнинг ягона ишлаб чиқарувчиси.

*Маҳсулот моноэтиленгликоль асосида тайёрланиб, ASTM D 3306-79 антифризи (АҚШ)нинг аналоги ҳисобланади. Мосламаларнинг юқори технологик пакети туфайли занглашнинг барча турида совутиш тизимининг юқори самарали ҳимоясини таъминлайди. Таркибида фосфатлар, нитритлар, аминлар мавжуд эмас. Латунь, мис, лигерланган пўлат, чўян, алюмин, рухли қотишмаларга нейтрал. А, Premium, BUSINESS тоифасидаги ҳамда юқори форсажли дизель двигателига эга бўлган автомобиллар талабларига жавоб беради.*

Манзилимиз: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

pr_9-36-01

---

top РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

---

## AGATA IMPEX LTD

КОМПЬЮТЕРЛАР, СЕРВЕРЛАР, НОУТБУКЛАР, ПРИНТЕРЛАР, СКАНЕРЛАР, КФУ ВА КЎПГИНА БОШҚА УСКУНАЛАР...

MGE Office Protection Systems
An Eaton Brand

EATON Powering Business Worldwide

ЯНГИ ТОВАРЛАР



Evolution
Evolution S

Evolution
1150, 1550
1150 Rack 1U
1550 Rack 1U
2000 RT 2U

Evolution S
1250 RT 2U
2500 RT 2U
3000 RT 3U

Pulsar/M/MX
1500
M 2200 RT 2U
M 3000 RT
MX 5000 RT 3U

Линияли-интерфаол ИБП гуруҳида энг яхши

ШУНИНГДЕК Nova AVR 625, 1250 VA
Comet EXRT от 7 до 11 kVA

233 05 00
232 06 13
232 06 16
fax 236 79 02

КЎРГАЗМА САЛОНИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ
Тошкент ш., Шаҳрисабз кўч., М-1 "Б"
E-mail: agata@agatagroup.com www.agatagroup.uz

*Товар сертификатланган

---

## РАСМИЙ ДИЛЕР ГРУППА ГАЗ

УРАЛАЗ "Урал" автомобиль заводи ОАЖ

Хизматлар лицензияланган   Товар сертификатланган



Сотиш, сервис, лизинг, кафолат

- Самосвал 25 т – 161 500 000
- Самосвал 20 т – 145 000 000
- Эгарсимон шатакчи – 132 000 000

Металлда жамланган қувват!

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

---

top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

top

237-51-33
237-47-20
237-47-05

---



## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www. restoran.uz



---

## www.pc.uz · Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

### «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ вилоят филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**I. РКМБ Андижон вилоят филиалида 2009 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран,** Қўрғонтепа тумани СИБ томонидан (26.10.07 й. 17-0707-7165-сонли ижро ҳужжатига асосан) Қўрғонтепа т., ат-Термизий кўчасида жойлашган «Само» ОАЖга қарашли қурилиш майдони 2 123,56 кв. м бўлган, 2-қаватли маъмурий бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 267538 115 сўм.**

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилоят ф-лининг «Асакабанк» вилоят бўлимидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 22622000200571452003, МФО: 00069, ИНН: 200933850. Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.

Тел.: (8-374) 224-48-53.

**II. РКМБ Хоразм вилоят филиалида 2009 йил 6 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран,** Урганч туман СИБ томонидан (17.08.09 й. 1934-сонли ижро ҳужжатига асосан) фуқаро Р.Янгибаевга қарашли, Урганч т., Ғойбу қишлоғида жойлашган, фойдали майдони 247,05 кв. м бўлган чойхона биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 72115 160 сўм.**

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти ф-лидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк» Тинчлик ф-ли, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Урганч ш., Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8 (362) 226-32-63, факс: 224-36-97.

**III. РКМБ Наманган вилоят филиалида 2009 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран,** Суд департаменти Наманган вилоят бошқармаси томонидан (23.12.08 й. №16-0806/12788; 18.12.08 й. №16-0806/12789; 20.01.09 й. №16-0806-18945; 30.01.09 й. №16-0802-19323; 25.01.09 й. №16-0803/46; 11.05.09 й. №16-0907/2252 ва 05.05.09 й. №1-4045 ижро ҳужжатларига асосан) «Палма Текстил» МЧЖнинг, Поп ш., Дўстлик кўчаси, 20-уй манзилида жойлашган барча мол-мулклари қўйилмоқда: **1.** Тикувчилик цехи бино ва иншоотлари, қурилиш ости майдони 1 699,43 кв. м бўлган, 3 та алоҳида бинолар ва 14 та хоналардан иборат. Бошланғич баҳоси – 310 889 300 сўм; **2.** Тротуар бардюрлари, бетон ва асфальтдан қурилган. Бошланғич баҳоси – 7 806 456 сўм; **3.** Офис-дизайн ашёлари, мебель, оргтехника ва бошқа кабинет жиҳозлари. Бошланғич баҳоси – 3 340 857 сўм; **4.** Ишлаб чиқариш воситалари, жами 128 та турдаги тикув, оверлок ва бошқа машиналари ҳамда дастгоҳлари. Бошланғич баҳоси – 395 318 006 сўм. **Юқоридаги барча мол-мулкларнинг мужассам ҳолдаги бошланғич баҳоси–717354 618 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган вилояти ф-лининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000600571452072, МФО: 00223, ИНН: 200933850. Манзил: Наманган ш., Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.

Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01.

**VI. РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг аукцион савдосига такроран,** Самарқанд шаҳар СИБ томонидан (20.01.09 й. 2-164-08-сонли ижро ҳужжатига асосан) Самарқанд вилоят ҳокимлигининг автомобилларни сақлаш майдонида сақланаётган, «Самарқандпахтасаноат» ХАБга қарашли «Тайота Ланд Крузер» русумли, д/р 14AG202 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 77 143 068 сўм.

**Аукцион савдоси 2009 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Ушбу автотранспорт воситаси 2009 йил 20 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда унинг такрорий аукцион савдоси 2009 йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилоят ф-лининг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий фи-лидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20210000300571452119, МФО: 00317, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 85 «А»-уй.

Телефон: (8-366) 233-80-56.

**Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. www.rkmb.uz.**

**Лицензия: DB 001 № 000004**

## ● РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 25 сентябрдаги қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | ОКПО | Қарор рақами |
|---|---|---|---|
| "АЗИЯ ИНТЕРНЕШНЛ" МЧЖ | 200828846 | - | 10-0904/14008-т |
| "FAVORIT BROK SERVIS" XK | 300745092 | 22255479 | 10-0904/14004-т |
| "NOKIS ADVISTOR VIKTORY" MCHJ | 206742848 | 21344206 | 10-0904/13982-т |
| "ZOMIN-SAVEQALI-BIZNES" XK | 205225540 | 19779670 | 10-0904/13969-т |
| "DILBEGIM-FOOD" XK | 300537074 | 21914974 | 10-0904/14001-т |
| "ABR GREEN LAND" MCHJ | 205719494 | 20294699 | 10-0904/13997-т |
| "NIXOL-ISLOMOBOD" MCHJ | 206364004 | 20964651 | 10-0904/13983-т |
| "MEXR XALOL" XK | 205958214 | 20535766 | 10-0904/13987-т |
| "PARVOZ-LYUKS" MCHJ | 206083441 | 20660388 | 10-0904/13989-т |
| "ICHIMLIK-BIZNES KKBU" XK | 206147574 | 20661850 | 10-0904/13976-т |
| "AZIYA GRAND-ELITE" MCHJ | 206157009 | 20662134 | 10-0904/13984-т |
| "ARKTUR-SHAMS" MCHJ | 206201182 | 20808276 | 10-0904/13994-т |
| "MAK FOOD SERVIS" MCHJ | 206434336 | 20968488 | 10-0904/13981-т |
| "AMIR-LINE GROUP" MCHJ | 300004190 | 21461350 | 10-0904/13975-т |
| "CHANGEM-KOMSAY LYUKS" MCHJ | 206704394 | 21340272 | 10-0904/13974-т |
| "YUNUSOBOD CHINOR SERVIS" MCHJ | 206729577 | 21343052 | 10-0904/13971-т |
| "KAMELOT STROY SERVIS" MCHJ | 206745068 | 21345789 | 10-0904/13973-т |
| "SHERZOD TRANS AVTO SERVIS" MCHJ | 300004603 | 21461395 | 10-0904/13993-т |
| "FORT MINOR" MCHJ | 300012830 | 21461573 | 10-0904/14012-т |
| "AFRUS-SERVIS" MCHJ | 300012926 | 21461596 | 10-0904/13988-т |
| "RISING STAR MAX" MCHJ | 300463168 | 21915838 | 10-0904/13991-т |
| "MFB BIZNES LUKS" MCHJ | 300058092 | 21462526 | 10-0904/13996-т |
| "MAGIK BURGERS" XK | 300527822 | 21914879 | 10-0904/13980-т |
| "LAZER-OROM-QURILISH" MCHJ | 300575961 | 22100713 | 10-0904/14002-т |
| "PREMIUM GOLDEN STAR" MCHJ | 300601454 | 22101233 | 10-0904/13970-т |
| "MIKROSOFT TASHKENT" MCHJ | 300493534 | 21914253 | 10-0904/13986-т |
| "KOVAL-SERVIS" XK | 300566316 | 22100446 | 10-0904/14010-т |
| "MUBA STAR-SAVDO" MCHJ | 300566370 | 22100452 | 10-0904/14003-т |
| "JAMSHID INVEST FARM" MCHJ | 206934655 | 22165871 | 10-0904/13985-т |
| "ARCHER INVESTMENT" MCHJ | 300592356 | 22101049 | 10-0904/14009-т |
| "SHTARK-VOSTOK" MCHJ | 206948771 | 22253109 | 10-0904/13972-т |
| "IZKENTIM" XK | 300774754 | 22255947 | 10-0904/13978-т |
| "MAK-VISS-N" MCHJ | 300807061 | 22413352 | 10-0904/13977-т |
| "TIVOLI EXCLUSIVE" MCHJ | 300812721 | 22413636 | 10-0904/14007-т |
| "COMBO STROY" MCHJ | 300865047 | 22430563 | 10-0904/14000-т |
| "EL-HURSHIY" XK | 300866758 | 22430617 | 10-0904/13995-т |
| "IFA GOLD BIZNES" XK | 300902862 | 22525507 | 10-0904/13998-т |
| "ZULAYHO SAVDO BIZNES" XK | 300914903 | 22525815 | 10-0904/14005-т |
| "AVTOALOQASERVIS" MCHJ | 206973046 | 22533621 | 10-0904/13999-т |
| "TRUFFALDINO" XK | 300920556 | 22525967 | 10-0904/13979-т |
| "LOLO COLLECTION" MCHJ | 300922782 | 22526004 | 10-0904/13990-т |
| "ABAKAN BIZNES GROUP" MCHJ | 300924431 | 22526056 | 10-0904/13992-т |
| "KAMOLIDDIN ZAYNIDDIN SAVDO" XK | 300926215 | 22526079 | 10-0904/14011-т |
| "ПЕТЕКС-БРИДЖ ИНТЕРНЕЙШНЛ ЛТД С" | 200832312 | 15250369 | 10-0904/14006-т |

Мазкур корхоналар Давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ҳозирги кунгача молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ва тижорат банклари томонидан ҳисобрақамлар очмаган. Ушбу корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод туман ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 1 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 28 сентябрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Раҳбар исм-шарифи | Манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|
| "STEEL KOMEX" МЧЖ | 206744909 | Р.Тиллабоева | Андижон ш., Темирйўлчилар кўч., 38 | 10-0919/14226 |
| "SHUKUR GOLD TRADE" XK | 205559703 | Х.Қосимова | Қибрай т., Дўрмон пос. Центральная кўч., 20 | 10-0919/14227 |
| "KARVON-SAVDO" МЧЖ | 204879883 | Р.Каримов | Болта Қодиров кўч., 35 | 10-0919/14228 |
| "IMKON-NUR-SERVIS" МЧЖ | 205882492 | О.Мухамедов | Амангелди кўч., 36 | 10-0919/14229 |
| "TEMIR-SAXIY-LAVZ" МЧЖ | 206967234 | З.Расулмухамедов | Чувалачи кўч., Балиқчи тор кўч., 1 | 10-0919/14230 |
| "TRASH ART" XK | 206981170 | Ш.Бурнашев | ТашМИ, 1-30 | 10-0919/14231 |
| "KEMER" XK | 300848035 | Ж.Таджиев | М-17-12-15 | 10-0919/14232 |
| "MEGA-MAX-SPEKTR" МЧЖ | 300582297 | Р.Толипов | Нилуфар 3-тор кўч., 1б-22 | 10-0919/14233 |
| "RIXSIRUSTAM BROK SERVIS" МЧЖ | 300526903 | Р.Қодиров | Маликов кўч., 25 | 10-0919/14234 |
| "SABR-BARDOSH" XK | 205636282 | Б.Инагамов | Қуёш кўч., 6 | 10-0919/14235 |
| "USTA IBRAHIMJON BIZNES" XK | 300437959 | И.Собиров | Ген. Ғофуров кўч., 107 | 10-0919/14236 |
| "SOGDA NONI AZIA TRADE" МЧЖ | 206597957 | Р.Усмонов | Беруний Б-1, 68-35 | 10-0919/14237 |
| "SALIM FAYZ SAVDO" МЧЖ | 301117611 | С.Ахмедов | Сағбон, Тарих тор кўч., 18 | 10-0919/14238 |
| "PAYSAL SYSTEMS" МЧЖ | 300987844 | Ж.Уринов | Юнусобод 4-40-59 | 10-0919/14239 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

